Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 167 (21. 266) 1992 йил 25 август, сешанба

ОБУНАЧИГА — 1 СЎМ 50 ТИЙИН. СОТУВДА — КЕЛИШИЛГАН НАРХДА.

ЗАФАР МУБОРАК, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИ!



БАРАКАЛИ ХИРМОН УЧУН АЛЛОҲГА МИНГ ҚАТЛА ШУКУР!
Содиқ МАҲКАМОВ олган суратлар.



● Республикамиз ғаллакорлари Ўзбекистоннинг мустақиллик байрамини нишонлаш арафасида катта зафар қучдилар.

● Улар бу йил 844 минг гектар ерга бошоқли дон экиб, 1 миллион 300 минг тоннадан зиёд дон ишлаб чиқардилар ва давлатга сотдилар.

● Бу йилги ҳосил ўтган йилга нисбатан 400 минг тонна кўп демакдир.

● Бу республикамиз ғаллакорларининг мустақиллик байрамига муносиб совғаси бўлди. Рекорд миқдордаги ғалла хирмони муборак!

ҒАЛЛАДАН РЕКОРД ҲОСИЛ

Ўтмишимиз нон билан, бугунимиз, эртамиз ҳам нон билан, — деб таъкидлашади ота боболаримиз. Юрт гўзаллиги, турмуш чиройи, авлодларнинг тақдири, келажак истиқболи, қолаверса, истиқболимиз нон билан боғлиқ. Нонинг асоси ғалла ҳамиша энг қимматли озиқ-овқат, барча ноз-неъматларнинг мезони бўлиб келган. Жамият қанчалик тараққий этмасин ёки инқирозга юз тутмасин барибир ғалла ҳар бир халқнинг ҳаётий негизи бўлиб келган ва келмоқда. Мустақил Ўзбекистонинг гербида ҳам ҳамиша «олтин бошоқ» унинг рамзи сифатида ўрин олиб келган. Бу нима дегани? Демак, ўз ғалламиз, ўз нонимиз бор.

Кейинги бир йил мобайнида мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти, унинг ҳукумати республика қишлоқ хўжалигини, хусусан, ғаллачиликни ривожлантириш, дон маҳсулотлари харид нархини ошириш бўйича қатор фармонлар қабул қилди. Жумладан, «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандани ем-хашак билан таъминлаш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида», «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида», «Республика қишлоқ аҳолисини овқат учун дон (буғдой) билан таъминлашга доир қўшимча чоралар тўғрисида», «Дон маҳсулотларининг харид нархини ошириш тўғрисида»ги қатор фармон ва қарорлари ишлаб чиқариш ва иқтисодий масалаларни тубдан ўзгартиришда, меҳнаткаш манфаатларини шакллантиришда, унинг меҳнатини рағбатлантиришда алоҳида ўрин тутмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, республикада етакчи соҳа узоқ йиллар асосан пахта етиштириш йўлидан борди. Деҳқончилик-саноат мажмуи «оқ олтин» хом ашёсига бўлган талабни қондиришга қаратилди. Бу йўлнинг асосий хатоларидан бири шундаки, пахта ва бошқа турдаги маҳсулотларни фақат хом ашё ҳолида собиқ Иттифоқнинг турли минтақаларига юборди. Яна бир камчилик, жумҳуриятимиз собиқ мамлакатнинг «оқ олтин» муаммосини ҳал этиб, ўз аҳолисини озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлаш борасида бошқаларга қарам қилиб қўйди. Бундан ташқари суғориладиган ерларнинг 70 фоизига чигит экилиб, илмий асосда деҳқончилик юритиш талаблари бузилди. Натижада тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлиги пасайди.

Қишлоқ хўжалигини бир томонлама ривожлантириш туфайли республикамизда етиштирилаётган маҳсулотлар миқдори аҳоли жон бошига ўсмади. Масалан, ғалла етиштириш киши бошига 100 килограммдан, картошка 16, сабзавот 140, полиз 49, мева 32, узум 36, гўшт 33, сут 148 килограммдан, тухум 120 донадан тўғри келди. Бу рақамлар белгиланган меъёрларга нисбатан 30—40 фоиз оздир.

Ўзбекистонимиз мана шундай шароитда мустақилликка эришди. Деҳқончилик-саноат мажмуи шу қийин вазиятда бозор иқтисодиётига ўтмоқда.

— Мустақиллик йили республикамиз қишлоқ хўжалиги тараққиётида ўзига хос янги-янги босқич бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири вазифасини бажарувчи Жумабой Қўчқоров. — Деҳқончилик-саноат мажмуи ҳозирги қийин вазиятда бозор иқтисодиётига аста кириб боряпти. Қишлоқ хўжалигида иш юритиш тизими ва усуллари ҳам ўзгариб бормоқда. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқа бозор муносабатлари тобора аниқ намоён бўлиб боряпти. Жамоа ва давлат хўжаликларида ижара, пудрат, ширкат усуллари кенг қўлланиляпти.

Буйруқбозлик, маъмуриятчилик ўрнини ҳақиқий меҳнат эгалламоқда. Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришда, меҳнат аҳлининг манфаатларини оширишда беқиёс роль ўйнамоқда. Ғалла, мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва картошка етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бошоқли дон экинлари ўстиришнинг жадал усули жорий этилди. Серҳосил буғдой, арпа, шоли навлари, маккажўхори дурагайлари яратилди. Жорий йилда ғаллазорларимиз 100 минг гектарга кенгайтирилди. Жами 844 минг гектар ерга бошоқли дон экинлари экилди. Об-ҳаво қийинчиликлари ва техника етишмовчиликларига қарамай мардона меҳнат қилган ғаллакорларимиз 1 миллион 300 тоннадан зиёд ғалла етиштиришга эришдилар. Қарангки, ҳали шу пайтгача Ўзбекистон ғаллакорлари бундай юқори кўрсаткичга эришмаган эдилар. Бу ҳам мустақиллик шарофати. Шуниси қувончлики, ўтган йилга нисбатан олганда бу йилги ғалла хирмонимиз қўшимча 400 минг тонна юксалди. Бу юксак хирмонга республикамизнинг Қашқадарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларининг ғаллакорлари айниқса катта ҳисса қўшдилар. БИРГИНА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИ МАВЖУД ҲОСИЛНИНГ УЧДАН БИР ҚИСМИНИ БЕРДИЛАР. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида дон етиштириш бўйича юқори ҳосилдорликка эришилди. Ҳосилдорлик ҳар гектар ердан 32—36 центнерни ташкил этди. Андижон вилояти бошоқли дон етиштириш ялпи ҳосил режасини 110,2 фоиз, Бухоро — 123,4 фоиз, Жиззах — 104,7 фоиз, Навоий — 120,6 фоиз, Наманган — 121 фоиз, Самарқанд — 126,6 фоиз, Сирдарё — 117,1 фоиз, Тошкент — 107,6 фоиз, Фарғона — 159,3 фоиз, Хоразм — 100 фоиз бажардилар. Айниқса, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Ғузор, Қамаши, Усмон Юсупов номли районлари, Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Асака, Марҳамат районлари, Фарғона вилоятининг Учкўприк, Қува, Боғдод районлари, Самарқанд вилоятининг Иштихон, Пахтачи районлари, Жиззах вилоятининг Дўстлик, Ғаллаорол, Зомин, Мирзачўл каби қатор районлари ғаллакорлари суғориладиган ва лалмикор ерлардан юқори ҳосил олдилар. Ўзбекистон тарихида биринчи бор ерга буғдой уруғи қадаган Хоразм вилоятининг Боғот районидаги «Боғот» давлат хўжалиги ғаллакорлари ҳар гектар ердан 36,5 центнердан буғдой олишга эришдилар. Шунингдек, бугунги шодиёна кунларда «Олтин бошоқ» курашида ажойиб меҳнат намунасини кўрсатган сурхондарёлик Ғайрат Ҳамроқулов, самарқандлик Шамсиддин Умаров, Шермамат Бобоёров, Жаббор Мўминов, қашқадарёлик Рўзибой Мустафоев, Мусулмон Норбоев, Тошкент вилоятидан Тошпўлат Абдуллаев, Эргаш Бекжонов, Фарғонадан Асқар Баратов каби ўнлаб-юзлаб илғор ғаллакорларнинг номини ҳурмат билан тилга олса арзийди.

Тўғри, бу йил тоғолди зоналарида, лалмикор ерларда ёғингарчилик аввалги йилларга нисбатан 2—3 баравар зиёда бўлди. Бу эса ғалла етиштиришда анча қулай шароитларни яратди. Ғаллакорларимиз ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, табиат инъомидан оқилона фойдалана билдилар ва пировардида катта мустақил ғалла хирмонини яратдилар. Шунингдек, бу йил маккажўхоридан ҳам юқори ҳосил яратиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, бу йил 360 минг тонна маккажўхори дони ишлаб чиқарилиб, шундан 100 минг тоннаси давлатга сотилади. Бундан ташқари 545 минг тонна шоли тайёрланиб, шундан 400 минг тоннаси давлатга топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 31 майдаги «РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ ОВҚАТ УЧУН ДОН (БУҒДОЙ) БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ҚОИР ҚУШИМЧА ЧОРАЛАР ТЎҒРИСИДА»ги Фармонига асосан жумҳурият колхоз ва совхозларида етиштирилган дон (буғдой) ҳосилининг ортиқчасини ҳар

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ҲАР ЙИЛИ 1 СЕНТЯБРДА «МУСТАҚИЛЛИК КУНИ»НИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимиз тарихида янги саҳифа очган Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан ва унинг ёшларни маънавий камол топтиришда жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, ўқув юртлари жамоаларининг истакларини ҳисобга олиб:

1. Ҳар йили 1 сентябрда барча мактабларда, ҳунартехника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида «Мустақиллик куни» мавзуида махсус машғулотлар, дарслар, маърузалар, тантанали йиғилишлар ва учрашувлар ўтказилсин.

2. Қарамоғида ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар:

— турли шакллардаги, ижодий изланиш ва байрам вазияти руҳидаги машғулотлар ва тадбирларни ўтказишга оид зарур ташкилий чораларни кўрсинлар;

— Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлардан ўқувчилар ва талабалар кенг хабардор қилинишини таъминласинлар, унинг эркин ва демократик ривожланиш истиқболларини очиб бериб, ёшларни юксак ватанпарварлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбияласинлар;

— ўқув юртларида Мустақиллик кунини байрам қилишда ёшларнинг ижодий қобилиятларини очишга кўмаклашувчи ҳамда бир хиллик ва расмиятчиликни истисно этувчи турли танловлар, ижодий беллашувлар, оммавий спорт мусобақалари, кўриклар, бадиий жамоаларнинг томошалари ва бошқа тадбирлар ўтказсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ўқув юртларида Мустақиллик кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида республика оқсоқоллари, депутатлар, фан, маданият ва санъат арбобларини, ижодий ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакилларини, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарларини қатнашишга кенг жалб этсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 22 август.

Ўзбекистон делегацияси Киевга жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси 25 август куни Украина Республикасининг пойтахти Киев шаҳрига жўнаб кетди. Расмий сафар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш кутилмоқда.

(ЎзА).

ҲУКУМАТ ИШЛАБ ДАМ ОЛАДИ

Мамлакатимиз аҳли қандай тантаналарнинг шоҳиди бўлмаган. Аммо юртимизда бирор байрамга бунчалик тер тўкиб тайёргарлик кўрилмаган. Чамаси, пойтахтнинг Мустақиллик майдонида кечажак тантаналарни ўтказиш ташкилий комитети мажлисида иштирок этганларнинг аксари буни ҳозирданоқ тан олди. Эрта-индин бунга сиз ҳам иқрор бўласиз.

Мажлисда бирор нарса эътибордан четда қолмади. Дейлик, жойларда эски тузумни шарафловчи ҳайкал, шиор ва белгилардан соқит бўлиш муаммосидан, сотувчи хонимларнинг иш либоси (ажойиб хонатлас, оқ қалпоқ) андозасигача, маҳалла кўйларидаги озодаликдан пойтахтга келувчи меҳмонларни ким, қачон, қаерда кутиб олиб, кузатиб қўйишгача, 1 сентябрга ўтар кечаси туғилажак болакайларнинг оналарини қутлашдан, сотувга чиқажак янги буюмларгача — ҳамма-ҳаммаси яна бир бор астойдил муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг ҳокимлиги, вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига мавжуд камчиликларни тезда тугатишлари учун кўрсатмалар берилди.

Бир-икки мисол: ўша кунлари болакайлар салкам ўттиз тонна музқаймоқни еб тугатишлари керак. 31 август оқшомидан 1 сентябрь тунигача Тошкент кинотеатрларида томошалар текин бўлишини эшитгандирсиз...

Биласиз, илгари бундай тантаналардан сўнг «катта концертлар» асосан саройларда, маълум кишилар учунгина намойиш этиларди. Энди уни халқ кўради ва концерт деганимиз ростдан ҳам катта бўлади. Қанча томошабин кутилаётган бўлса, шунча (10 минг) ижрочи хизмат кўрсатади...

Байрам кунлари бутун мамлакат аҳли уч кун дам олади. «Ҳукумат-чи?» — кимдир шундай савол берган эди, олган жавоби қуйидагича бўлди: ҳукумат ишлаб дам олади.

Мажлисда республикамизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида тантаналарга қандай тайёргарлик кўрилаётгани ҳам муҳокама этилди.

Мажлисга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов раислик қилди.

(ЎзА).

СУРХОНДАРЁДА СУСТКАШЛИК БУЛУТЛАРИ ТАРҚАЛАДИМИ?

Жайхун соҳилидаги кўҳна ва қадимий Сурхондарё — танти ва ҳалол деҳқонларнинг, фидойи кишиларнинг ватанидир. Улар қалбидаги ҳарорат жануб офтобининг оташин тафтидан қолишмайди. 20,8 минг квадрат километр кўламда ястанган Сурхондарё ҳудуди Фарғона водийсидаги уч вилоятдан анчагина кенг ва мўлроқдир. Бошқача айтганда, Сурхон харитасига саккизта Люксембург давлатини жойлаштириш мумкин. Бағри кенг воҳанинг саховати беҳисоб. Бироқ ундан олинаётган самара кўнгилни тўлдирадими?

Мана бу рақамларнинг маъзини чақиб кўринг: республикада жами моддий ишлаб чиқариш ҳажмининг 5,7 фоизи, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 3,2 фоизи Сурхондарё вилояти улушига тўғри келади, холос. Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш учун барча имкониятлар мавжуд бўлгани ҳолда сусткашлик ва хотиржамлик ишнинг белига тепмоқда. Сўнгги йилларда бошқарув идоралари қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйдилар. Иқтисодиётнинг асоси ҳисобланмиш жамоат қишлоқ хўжалигига эътибор сусайди. Агар 1988 йилда жамоа ва давлат хўжаликларида, хўжаликлараро ва бошқа корхоналарда 931 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 1991 йилда 846 миллион сўмга тушиб қолди. Бунда ҳар юз гектар экинзор ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 69 минг сўмга камайишига йўл қўйилди. Айни пайтда вилоятда дон, картошка, мева, узум, полиз экинлари ҳосилдорлиги ҳам камайди ва натижада ялпи хирмон чўғи анчагина пасайди.

Вилоятда халқ хўжалигини тараққий эттириш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш сust бормоқда. «Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 8 август сонида босилган «Сурхондарёда сусткашлик ёки иқтисодий таназзул сабаблари «кусуси-да» деб номланган танқидий мақолада ана шулар ҳақида ёзилган эди.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Сурхондарё истиқболини белгиловчи омиллар хусусида шахсан доимий ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон Президентининг таклифи ва ташаббуси билан ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. М. Муталов бошчилигида республика ҳукумати вакиллари Сурхондарё вилоятида бўлдилар. Сурхондарё вилояти ишлаб чиқариш кучлари тараққиётига кўмаклашиш, унинг муаммолари ечимини топиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташриф буюрган ҳукумат аъзолари рўйхатида республика сув хўжалиги қурилиши давлат қўмитасининг раиси Т. Б. Бойминов, республика мелиорация ва сув хўжалиги вазири Р. А. Гиниятулин, республика қурилиш материаллари саноати вазири И. Н. Искандаров, республика халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, республика уй-жой ва коммунал хўжалиги вазири В. К. Михайлов, республика маҳаллий саноат вазири В. А. Чжен, республика «Ўзагроқурилиш» бирлашмасининг раиси И. Юсупов, республика «Ўзбекбирлашув» бошқарувининг раиси Г. Г. Волков, «Ўзбекистон овози» рўзномасининг бош муҳаррири Ш. О. Убайдуллаев, республика Кўмир ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. И. Лелеко, республика молия вазирининг ўринбосари Ш. Ю. Абдуллаев, республика қишлоқ хўжалик таъминот ва ремонт давлат кооператив комитетининг раис ўринбосари О. Қ. Усмонов ўртоқлар бор эди.

Ҳукумат аъзоларининг уч куплик саъй-ҳаракати билан вилоятга тегишли муаммоларнинг ечимлари хусусида бир қатор таклиф ва мулоҳазалар ўртага қўйилди. Амалий ёрдам бошланди. Сурхон воҳасининг ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш хусусида тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон Президентининг ҳаётбахш фармонларини вилоятда янада кенгроқ қўллаш юзасидан тавсиялар берилди.

Сурхондарё вилояти фаолларининг мана шу масалаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. М. Муталов нутқ сўзлади.

Вилоят фаолларининг йиғилишида республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов, республика вазирлари, давлат қўмитасининг раислари ҳамда етакчи идора ва муассасаларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

(Сурхондарё вилояти ишлаб чиқариш кучларини тараққий эттиришга бағишланган республика ҳукуматининг сайёр мажлиси материаллари газетанинг келгуси сонларида эълон қилинади).

ҒАЛЛАДАН РЕКОРД ҲОСИЛ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

бир қишлоқ оиласига, жумладан нафақахўрлар, врачлар, ўқитувчилар ва аҳолининг бошқа тоифадаги оилаларига камида 110 килограммдан дон (буғдой) сотиш топшириғи белгиланган эди.

Бу муҳим тадбирга асосан республикамизда мавжуд 2 миллион 210 минг 426 та қишлоқ оилаларига 103 килограммдан дон (буғдой) етказиб берилди.

Аммо республикамизнинг кўп болали қишлоқ оилаларига берилган бу буғдой камлиқ қилиши аниқ. Шунинг учун республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўзининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида қишлоқ аҳолисига қарата берилган буғдойни ўз шахсий томорқаларига экин сифатида экиб, келажакда ўз шахсий хўжаликларида овқат учун буғдойни кўпайтириш ҳақида мурожаат қабул қилди.

Агар деҳқонларимиз ўз томорқаларида дон экиб ва уни тегирмонда тортиб, ун қилиш каби унутиб юборилган миллий одатларимизни қайтадан тикласалар, халқимизнинг қорни яна ҳам тўқ бўлур эди. Ахир «Кўнгли тўқнинг — ўзи тўқ» деб бежиз айтмаган доно халқимиз.

Жойлардан олинган маълумотларга қараганда, республика аҳолиси шахсий хўжаликларида ҳаммаси бўлиб, 110 минг гектардан ортиқ майдонга кузги дон экилган. Бу соҳада Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Қашқадарё, Жиззах вилоятларининг деҳқонлари яхши натижага эришмоқдалар. Бу йил улар ўз томорқаларидан яхшигина ҳосил олдилар. Масалан, жами вилоятларнинг шахсий ёрдамчи томорқаларидан 350 минг тонна буғдой ҳосили олинди. Шуниси қувонарлики, шахсий томорқа олган деҳқонларимиз ғаллани ўриб-йиғиб олгандан сўнг, бу жойларга иккинчи марта ҳосил уруғини қадамоқдалар. Чунончи, улар бу жойларга сабзи, жўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экишиб, мўл ҳосил оляптилар, ўз ризқ-рўзини кўпайтиряптилар.

Мана бу йил мустақил Ўзбекистоннинг катта ғалла хирмони уюлди — ғалладан рекорд ҳосил яратилди. Энг муҳими, нест-нобудгарчиликка йўл қўйилмади.

Айтишларича, бир дона буғдойдан 20 миллиграммга яқин биринчи нав ун олиш мумкин. Донаси 6 сўмлик битта батонни тайёрлаш учун 10 мингта буғдой дони талаб қилинади. Шундай экан, 20 миллиондан зиёд мустақил Ўзбекистоннинг халқларини нон билан боқиш учун қанча буғдой керак?

Ҳозирда республикамизда 2 миллион тоннадан ортиқроқ дон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Республикада эса бир йилда 5,5 минг тонна дон ишлатилади. Бу йил эса давлатга режадагидан 400 минг тоннадан зиёд ғалла топширилди. Демак, энди нонимиз бут, у энди «марказ»га оқмайди, нонимиз яримта бўлмайди. Лекин, шундай бўлса-да, ҳали биз четдан дон олишга мажбурмиз. Бу ҳали ғаллакорларимиз олдига катта масъулият қўяди. Дон ишлаб чиқаришни йилдан-йилга ошириб боришимиз зарур. Ғалланинг бир бошоғини ҳам ерда қолдирмасдан териб олиш, ун устида ўтиришни тақиқлаш, нонни отмаслик, дастурхонни ҳолироқ жойга қоқиш, ҳайвонга нон беришни қатъий ман этиш, қолган қутганини қуритиб, талқон қилиб олиш каби одатлар ҳам халқимизнинг нонни ҳаддан зиёд эъзозлаши, қадрига етиши ва эҳтиромини жойига қўйишининг оқибатидир.

Меҳнаткаш халқ азалдан пешона тери билан бунёд этилган нонни шон-шарафга буркаб келади. Нонни халқимиз бало-қазолар ва инсжинслардан, тасодифан юз бериши мумкин бўлган офатлардан, фожиалардан сақловчи, деб билиб, унга сиғинади, унга ихлос қўяди, сажда қилади.

... Нури дийдам — боламга инс-жинс тегмасин деб оналар гўдак болалар ёстиғи остига нон қўйганлар.

... Оталар ўғлини сафарга отлантирар экан, «Балоқазодан асрасин»! деб фарзандининг қўлига бир сиқим она тупроқ билан нон тутгазганлар.

... Чавандозлар улоқ олдидан мадад бўлсин, деб белига бутун нон тугиб олганлар.

... Овчилар ваҳший ҳайвон ҳамласини даф қилади, деб қўйниларига нон солиб овга чиққанлар.

... Сафарга кетаётганларга яқин кишилари уйга сиҳатсаломат, бешикаст қайтсин, деб нон тишлатиб қолганлар.

... Хастани кўриш, тўй-маъракани йўқлашда биринчи нон олинади.

... Кексаларни зиёрат қилганда янги ёпилган иссиқ нон олиб борилади.

... Дастурхонга даставвал нон қўйилади.

... Хона тўрига нон осиб қўйилади.

... Нони борни ўқ олмас, деган ақида ҳам бор.

Ҳа, дўстлар энди нонимиз бор. Мустақил Ўзбекистоннинг «Олтин бошоқ» хирмони бор.

Дўстларим, олтин қумуш ҳеч бўлмагай дондай азиз.

Донни бунёд этди деҳқон, борми деҳқондай азиз, — деганида шоир ғоят ҳақ эди. Бугун ўша деҳқон, ғаллакорларимиз меҳнати ҳар қанча тақсинга лойиқ.

Тўғри, барча соҳалардаги каби ғаллачиликнинг ҳам ўзига хос муаммолари бор. Бугунги кунда кўпгина жамоа ва давлат хўжаликларида техника воситалари, эҳтиёт қисмлар етишмайди. Механизмларнинг етишмаслиги туфайли айрим жойларда бирмунча қийинчиликлар ҳам бўлди. Лекин шунга қарамай, ҳозирда ҳосили йиғиштириб олинган жойларни тезда шудгор қилиб, келгуси йилга экиш учун тайёргарлик ишларини ҳам бошлаб юбориш керак. Имкони борича жойларда хўжаликларнинг техника базасини мустаҳкамлашга эътибор бериш зарур. Ҳозирданоқ келгуси йил ҳосили учун замин яратмоқ лозим. Барча жамоа ва давлат хўжаликлари мустақилликнинг иккинчи йилига 130 минг тоннадан зиёд уруғлик жамлаб қўйдилар. Бу йил арпа ва буғдойнинг 30 дан ортиқ нави экилди. Асосан сувли ва лалмикор ерларга буғдойнинг «Интенсив», унумли «буғдой», «қаттиқ буғдой», «Санзартор», «Бахт», «Красноводепад» — 210», «Циклон», «Ойқар», «Нутанс» — 799», «Бойчечак» каби навлари экилди. Келгуси йил ҳосилида ҳам ана шундай унумли буғдой навларини экиш ва улардан мўл ҳосил олмоқ керак. Зеро, ғалла бу — бизнинг ризқ-рўзимиз, бизнинг нонимиз.

Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигини тантана қиладиган улуғвор кунларимиз тобора яқинлашиб келмоқда. Республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мустақил республикамиз ҳаётидаги бу улкан истиқлол байрамини барча соҳаларда муносиб кутиб оладилар, деб ишонамиз.

• Иш билганга минг танга

ТАДБИРКОР ЁШУЛЛИ

● Суҳбатдошим — Хоразм деҳқончилик саноати қурилиши уюшмасига қарашли 294-колхозлараро кўчма механизациялашган тизим (колонна) бошлиғи. 45 ёшда. ХДП аъзоси. Ота-онасидан ёш етим қолиб, Хива шаҳридаги болалар уйида тарбияланган. 1972 йилда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислар институтининг қурилиш куллиётини тугаллаган.

Ўзининг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги билан эл, ёшуллилар назарига тушган. У вилоят ва Урганч шаҳридаги жуда кўп, жумладан, вилоят марказининг саноат мажмуи, Амударё соҳилидаги насос станциялари, Хива гиламчилик комбинатининг биринчи навбати, Урганч ноҳиясидаги иккита паррандачилик, Боғотдаги тўқимачилик фабрикалари, Урганч ем-хашак машиналари заводи сингари йирик объектлар қурилишига бош-қош бўлганлардан бири ҳамдир. Исми-шарифи Очил Машарипов. Ҳамкасблари ўртасида нуфузли, обрў-эътиборли, тўй-ҳашамларда, маъракаларда ўрни доим давраларнинг тўрида, эсиз қисқариб кетди. «Энди нима қилар эканмиз», деб турган бир вақтда қардош Туркманистондан вакиллар келиб, жонларига ора киришди. Улар қардош жумҳуриятнинг ён қўшни — Тошҳовуз районига қарашли Саъдулла Рўзиматов номли концерни-жамоа хўжалигида 300 ўринли санаторий-профилакторий қуриб беришни таклиф этишди. Бинокорлар бунга «лаббай!» деб жавоб беришди. Тезда амалий ишга киришилди. Бу амалий тадбир икки қардош миллат — ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги азалий дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамроқ боғлашга яқиндан ёрдам беради.

У тизимга бошлиқ этиб тайинланганида колонна давлатдан қарийб икки миллион сўм қарз эди. Уни қоплашнинг ҳам ўрни йўқдай эди. Битмай қолиб кетган чалажон объектлар ҳам оз эмасди. Очилбой раҳбар бўлиб келди-ю, бу ерда аҳвол тубдан ўзгара бошлади. У колоннадаги ўз фаолиятини тамоман издан чиқиб кетган меҳнат интизомини яхшилаш, тартиб ўрнатишдан, ҳисобот ишларини тўғри юритишдан, қурилиш материалларини ўмариш ва ташмачиликнинг олдини олишдан бошлади. Бинобарин, асосий эътиборни иш сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини оширишга қаратди

Бу тадбирларнинг ҳаммаси пировард — натижада тизим бунёдкорлари меҳнат унумдорлигини ва иш сифатини оширди. Масъулиятни юксалтирди. Эзгу мақсад йўлида ҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлашга, касб шарафини эъзозлашга ўргатди. Қурилиш матералларининг ҳар хил объектларга бўлар-бўлмасга сочиб юборилишига узилкесил чек қўйди. Қарор топган аҳиллик ва маънавий соғлом муҳит қарздорлик ва қалоқлик батқоғидан олиб чиқди.

Юксалишнинг яна бир муҳим жиҳати шу бўлдики, корхонанинг қолоқлик йиллларида деярли барҳам топган ишлаб чиқариш базаси қайта вужудга келди. Айни пайтда бу база қарийб қирқтага яқин ҳар хил трактор, бульдозер, экскаватор, скрейпер, юк транспорти воситаларига эга. Иккита автобус муттасил ишчи ва қурувчилар хизматида.

Тизимнинг саноат базасига темир йўл изи ётқизилгани ҳам ишни яхшилашда катта роль ўйнади. Саноат базаси ойна, эшик, темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мослаштирилиб, унда қурилиш материаллари тайёрлаш йўлга қўйилди. Қисқа вақт ичида бир миллион сўмлик иш қилинди. Ана шу ҳисобдан яқинда йилига 1 миллион дона хом ғишт тайёрлайдиган завод қуриб, ишга туширилди. Ўн олти хонадонга мўлжалланган уй-жой қурилиши бошлаб юборилди.

Умуман, бугунги кунда тизим йилига ўртача 50—55 миллион сўмлик қурилиш ишларини адо этаётир. Бунёдкорлар сўнгги иккиуч йил ичидагина районга қарашли Чапаев номли жамоа хўжалигига иккита мактаб, 140 ўринли замонавий болалар боқча-яслиси, тут кўчатлари етиштириш совхозида ҳам 464 ўринли ўқув даргоҳи, Охунбобоев номли жамоа хўжалигида 280 ўринли болалар комбинати, пахта тозалаш заводи ҳудудида икки минг тонна хом ашё сақланадиган омборхона, Урганчнинг йўлдош шаҳарчасида мактаб қуриб ишга туширилди.

Шу йилнинг ўтган ойларида ҳам анчагина бунёдкорлик ишлари бажариб қўйилди. Жумладан, Урганч шаҳридаги 29-махсус ҳунартехника билим юрти янги ўқув йилидан эътиборан бу ерда иш бошлайдиган политехника институти учун қайта жиҳозланиб, сифатли таъмирланди. Районнинг Юқорибоғ қишлоғи ҳудудида вилоят юрак, қон-томир касалликлари диспансери ниҳоятда тез, қарийб 14 ойда қуриб фойдаланишга топширилди. Шу йил февраль ойида ишга туширилган бу шифохона 120 ўринлик бўлиб, қишлоқнинг энг боҳаво жойида — «Урганч—Арна» канали соҳилида қад ростлаб турибди. Очил Машарипов бошлиқ тизим қурувчилари бу бинони материаллар кескин камайиб кетган бир кезда тезкорлик билан бунёд этганини ҳақиқий жасоратга қиёс қилгулик. Шифохона япон компьютерлари билан жиҳозланган. Қисқа вақт ичида бу ерда воҳанинг экологик бузуқ муҳитидан озор чекаётган ўнлаб беморлар дардларига шифо топиб, иккинчи ҳаётга қайтишди.

Қурилиш материаллари етишмаслиги туфайли юз берган оғир иқтисодий шароит колоннада янада омилкорлик билан иш олиб боришни тақозо этаяпти. Шароит ҳисобга олиниб, касб маҳорати ва ишнинг сифатига бўлган талаб оширилди. Бундай талаб асосида ишлай олишга кўзи етмайдиган 20 нафарга яқин ишчи ўз ихтиёри билан тизимни тарк этди.

Шундай бўлса-да, бу ерда 200 нафарга яқин киши самарали меҳнат қилмоқда. Уларни ишсиз қолиш хавфи сира ҳам қўрқитаётгани йўқ. Негаки, колоннада кичик корхона ҳам ташкил этилган. Унинг моддий асоси колоннадаги бир неча ишчи-хизматчи муассислиги ҳамда давлат ёрдами эвазига қурилган. Корхонанинг бир неча бош қорамол, 800 бошдан зиёд парранда асралаётган ёрдамчи хўжалиги ҳам ана шу кичик корхона ихтиёрига берилган. Унда жамоа учун арзон гўшт етиштириш йўлга қўйилган.

Кичик корхона ўзини ўзи маҳсулот — хом ашё билан таъминлайдиган бўлиб қолди. Натижада меҳнат унумдорлиги 140 фоизга ошди. Ишчиларнинг ойлик маоши икки баравар кўпайиб, ўртача 1100 сўмга етди. Кўрсаткичларнинг яхшиланиб бораётгани иш ҳақи миқдори янада кўпайишидан умидвор қилмоқда. Кичик корхона тайёрлаб бераётган қурилиш конструкциялари, ғишт ва оҳак маҳсулотлари, аҳолига кўрсатилаётган пуллик ҳамда тижорат-воситачилик хизматлари колонна кўрсаткичларини яхшилаб боряпти. Негаки, эндиликда қурилиш материаллари қидириб топиш билан тизим бошлиғининг бир ўзи эмас, балки ўша кичик корхонага уюшган жамоанинг ҳамма аъзолари бирдай бош қотирадиган бўлиб қолишди. Кичик корхонада ишлаб топиладиган маблағнинг нақ 15 фоизи муассисларнинг ўзларига тақсимланади.

Маъмурият жамоани иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазаси учун масъулиятни ошириш, яратувчилик меҳнатидан моддий манфаатдорликни юксалтириш борасида кун сайин ғамхўрлик қилмоқда. Яқин вақтлар ичида тағин қатор ёрдамчи корхоналар, жумладан, қўлда гилам ва полос тўқиш, этикдўзлик, шифтлар учун ҳар хил нақшин безаклар тайёрлаб чиқарадиган дурадгорлик цехлари фаолият кўрсата бошлайди. Натижада тизимда ҳеч ким ишсиз қолмайди.

Қурилиш материалларининг танқислиги, нархи осмону-фалакка чиқиб кетгани тизимни кўламли юритишга салбий таъсир кўрсатаётир. Очил Машариповнинг ибораси билан айтганда, район хўжаликларида «иш жабҳа»си қисқариб кетди. «Энди нима қилар эканмиз», деб турган бир вақтда қардош Туркманистондан вакиллар келиб, жонларига ора киришди. Улар қардош жумҳуриятнинг ён қўшни — Тошҳовуз районига қарашли Саъдулла Рўзиматов номли концерни-жамоа хўжалигида 300 ўринли санаторий-профилакторий қуриб беришни таклиф этишди. Бинокорлар бунга «лаббай!» деб жавоб беришди. Тезда амалий ишга киришилди. Бу амалий тадбир икки қардош миллат — ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги азалий дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамроқ боғлашга яқиндан ёрдам беради.

Мен тизим амалга ошираётган яратувчилик ишлари ҳақида фахрланиб қалам юритар эканман, бунда фаол қатнашаётган меҳнат зарбдорларининг номларини ҳам қувониб тилга олгим келади. Булар — Машариф Собиров, Шариф Бобожонов, Отагалди Полвонов сингари дурадгорлар, Қобил Собиров, Пелагия Сапаева, Мўмин Йўлдошев, Қўзи Олламов сингари бетончи, ғишт терувчи ва пардозловчилар, кўпгина техника жиловкорлари ва транспортчилардир.

— ХДПнинг тизим бошланғич ташкилотига 22 нафар партия аъзоси уюшган. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришда ташаббускор бўлишаётгани диққатга сазовор. Халқ демократик партиясининг шаъни ва нуфузи тобора ошиб бораётгани, ХДП аъзоси деган шарафли номнинг ўзи ҳам уларни доимо илғорлар сафида бориша ундамоқда, — дейди бошланғич партия ташкилотининг котиби, Маримбой Матёқубов мамнуният билан.

— Бизда муаммолар ҳам йўқ эмас, — деди мулоқотимиз давомида Очилбой Машарипов мулоҳаза билан фикр юритиб. — Эндиликда қурувчиларнинг ўзларига ҳам эркинлик бериш керак. Материални ўзимиз топсак, ҳар қалай қурилиш таннархи арзонга тушади, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ҳақи кўпаяди. Таъминотни бошқа ташкилот қилиб, бизга берган материалининг нархини бир неча фоизга оширган тақдирда ҳам жамоамиз иқтисодиётига катта зарар етиши мумкин. Бундай «таъминот» усулида хом ашё бир ташкилотдан яна бир ташкилотга, ундан учинчисига ўтиб, бизга етиб келгунча қурилиш материалларининг таннархи ҳам ошиб кетади. Бунинг учун тизимни трестдан ажратиб, тамоман мустақил қилиш лозим. Масалан, биз айрим материалларнинг бир тоннасини беш минг сўмдан харид қилсак, трест худди ўша материални бизга уч-тўрт баравар кўп баҳога топиб беради. Бундай ҳолда трестнинг бизга нима кераги бор?

Ҳар ҳолда ҳисоб-китобли бўлган яхши. Фойда-зиённи фарқлаш маъқул. Шунга амал қилганлар кам бўлаётгани йўқ.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎЧАГА АДИБ НОМИ БЕРИЛДИ

Тошкентнинг энг ёш Бектемир районидаги кўчалардан бирига қозоқ адиби, адабиётшунос олим Мухтор Авезов номи берилди.

Шу воқеага бағишланган тантанали маросим халқлар дўстлигининг катта байрамига айланиб кетди. Унда адибнинг ўғли, Қозоғистон Республикасининг Хитойдаги элчиси Мурод Авезов бошчилигидаги Қозоғистон делегацияси иштирок этди.

— Отамнинг ҳаёти кўп жиҳатдан Тошкент билан боғлиқ бўлган, — деди Мурод Авезов. — САГУ — Ўрта Осиё давлат университетида таълим олган, Ғафур Ғулом, Комил Яшин каби таниқли ўзбек ёзувчилари билан дўст тутунган. Тошкентда ҳикоялар ёза бошлаган, қирғиз эпосини тадқиқ этишга киришган. Абайшунослик асослари яратилган. Ўзбекистон пойтахтидаги кўчалардан бирига Мухтор Авезов номи берилганлиги — халқларимиз қардошлиги ва дўстлигининг рамзидир. Республикаларимиз ҳозир мустақил давлатга айланди, лекин биз бундан кейин ҳам бир-биримизга ёрдам ва мадад бериб биргаликда яшашимиз керак.

Б. МАДАМИНОВ. (ЎзА).

Фарғона ва Ўш вилоятлари азалдан қўшничилик қилишиб, муаммоларни бирга ҳал этиб келишмоқда. Ўзаро келишув асосида фарғоналиклар Ўшдан, ўшликлар эса фарғоналиклардан сув олиб деҳқончилик қилишмоқда. Далаларда мўл ҳосил етишириляпти. Бу икки вилоят чегарасида жойлашган районлар ва қишлоқларда сув етишмаслигидан ҳеч ким нолимайди.

Бунда Ўш вилояти сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Алишер Сотиболдиев ҳамда Фарғона вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Акромжон Йўлбосаровларнинг ҳиссаси катта. Улар тез-тез учрашиб, галдаги ишлар ҳақида маслаҳатлашиб турадилар.

СУРАТДА: Қирғизистон жумҳурияти халқ депутати, Ўш вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи А. Сотиболдиев ва Фарғона вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи А. Йўлдошев Паломон сув тақсимлаш иншоотида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

БАЙРАМ ЖАМҒАРМАСИГА

Ватанимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги байрами олдидан шу қутлуғ санани муносиб кутиб олиш юзасидан бошқа тадбирлар қаторида махсус жамғарма очилган эди. Ҳозир мазкур жамғарманинг банк ҳисобига кўплаб маблағлар келиб тушмоқда. Корхоналар, хўжалик ва ташкилотлар ҳамда оддий фуқаролар энг буюк байрамимизга ўз илиқ муносабатларини шу йўсинда билдирмоқдалар.

— Ўзбекистон деҳқончилик-саноат акционерлик-тижорат банки идорасининг ходимлари мустақил ишлаб катта тадбиркорлик кўрсатишяпти, — дейди банк бошқарувининг раиси А. Аҳадов. — Табиийки, фаолият такомиллашгани сайин фойда ҳам кўпаймоқда. Бу ерда ўртоқлар билан маслаҳатлашиб, ана шу фойдадан 100 минг сўмини Мустақиллик байрами жамғармасига ўтказдик. Агар истиқлол бўлмаганда орттирилган бир сўмни ҳам қаёққа ишлатишни «ҳукмрон» марказдан сўрардик, ахир. Ходимларимиз янги шароитларда самарали ишлаш учун тинмай изланмоқдалар.

А. АБДУБАННОПОВ.

ХАЛҚ РИЗҚИ— МУҚАДДАС

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» 1992 ЙИЛ 11 АВГУСТ

● «Подполковник нега ишдан олинди?» сарлавҳали мақоладаги воқеалар Жиззах вилояти аҳолисининг кўпчилигини таажжублантирди. Ташвишланганлар ҳам бўлди. Айрим муштарийлар қабулхонага мурожаат этиб, Жиззах вилояти инспекциясининг фаолияти ҳақида маълумот беришимизни илтимос қилишди.

Шу муносабат билан мухбиримиз товар-моддий бойликларни четга олиб кетишни назорат қилувчи вилоят инспекцияси бошлиғи милиция майори Абдуллажон ҚОДИРОВга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Абдуллажон Йўлдошевич, инспекциянинг етти ойлик ҳисобида жумҳуриятда ноқонуний тарзда олиб кетилаётган 47 миллион сўмликдан зиёд мол ушланиб, асосий қисми давлат фойдасига мусодара этилгани кўрсатилибди. Бу бир вилоят учун кўп эмасми? Наҳотки жумҳуриятимизни, вилоятимизни шу тарзда талашаётган бўлишса?

— Ҳақиқатдан ҳам шундай. Ҳозирги иқтисодий танқислик жараёнида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатлар ўртасида Ўзбекистонда бир қадар аҳвол яхши. Ўзини тутиб олаётган жумҳуриятимиз мол-мулкига кўз тикувчиларнинг кўплиги рост.

Сиз айтган 47 миллион сўмлик молга келсак, биз янада ҳушёрроқ, фаолроқ ишлаганимизда бу рақам каттароқ бўлиши мумкинмиди? Аммо газетхонлар шунча молнинг ҳаммаси Жиззах вилоятидан олиб чиқилаётган экан-да, деган фикрга бормасликлари керак. Чунки бу ходимларимизнинг вилоят ҳудудида ушлаб қолган моллари суммаси.

Демоқчиманки, бунинг ичида олғирларнинг қўшни вилоятлардан Жиззах орқали ўзга юртларга олиб ўтмоқчи бўлган моллар ҳам салмоқли суммани ташкил этади. Жумладан, июль ойининг охирларида Татаристон фуқароси Тоҳир Зокировни Самарқанд вилоятидан 2,5 тонна шакарни ўз юртига олиб кетаётганида Гагарин шаҳрида тўхтатиб қолдик. 23 июлда эса Самарқанд кимё заводига тегишли давлат белгиси 70—35 СНМ «Икарус» автобусидан 991 килограмм ноёб Индонезия чойи, 40 килограмм пахта мойи мусодара қилинди. Жиззах шаҳри ҳокимлиги бу моллари ўқитувчиларнинг август анжуманини кунлари сотилишини таъминлайдиган бўлди. Бошқа мисол: «Тожикгеология»га қарашли 98—60 ЛБМ КрАЗ автомашинаси ҳайдовчиси А. Абдуллаев Булунғурдан Панжикентга 9,5 тоннадан зиёд арпани олиб кетаётганида Бахмал райони ҳудудида тўхтатилди.

— Дарвоқе, ҳозирги ғалла ўрим-йиғими пайтида ташвишларингиз ҳам анча кўпайгандир. Қолаверса, мева-сабзавотлар ҳам ғарқ пишган...

— Маълумки, жумҳуриятимиз четдан ҳар йили 3 миллион тоннадан зиёд ғалла сотиб олади. Айрим нопок ҳамюртларимиз эса, ўзимизда етиштирилган донни ўғирлаб, четга сотишдан ҳам уялишмаяпти. 29 июль куни Мирзачўл районининг «Тошкент» давлат хўжалигидан йиғиштириб олинган 2,5 тонна дон хирмонга тўкилмасдан 87—96 ЧММ машинасига ортилиб, Еттисойга жўнатилган экан. Пахтакорлик ҳайдовчи Юсуф Бобожонов эса 11 тонна ғалланн Бахмал орқали Тожикистонга олиб кетаётганида тумшуғидан илинди.

Мева-сабзавот маҳсулотларини ҳам ўз халқига раво кўрмай қонунга хилоф равишда четга ташиётганлар, афсуски, кўп. 4 август куни 15—17 КФМ КамАЗ автомашинасида Рязань шаҳрига 13 тонна пиёз жўнатилибди. Буни қарангки, ноқонуний мол Жиззахгача омонэсон етиб келди. Дўстликдаги «Чинор» шахсий корхонаси бошлиғи И. Ниёзовнинг кўнгли 100 тонна қовун-тарвузни Киров шаҳрига жўнатиб мўмай даромад қилишни тусаб қолибди. Билиб туриб қонунни бузган бошлиқ минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

— Сизнингча, давлат ташкилотлари, кооперативлар, кичик корхоналарнинг давлат қонунларига зид иш тутишларининг боиси нимада? Амалдаги қонунларни яхши билмасликми ёки бу ишлар кимларнингдир манфаатини кўзлаб бўлаяптими?

— Айрим раҳбарлар ростдан ҳам амалдаги қонунлар, тартиб-қоидаларнинг туб моҳиятини англаб етмайдилар. Баъзан эътиборсизлик оқибатида қонун бузишлар келиб чиқаяпти. Демоқчиманки, бўлинмамиз Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 апрелдаги қарори асосида фаолият кўрсатади. Қарорда четга мол чиқариш учун ким қайси турлардаги, қанча маҳсулотга рухсатнома бериш ваколатига эгалиги аниқ белгилаб қўйилган. Айрим ташкилотлар фақат шартномага асосланиб, вагонларни тўлдиришади-да кейин ҳужжат тўғрилашга киришадилар.

Бу ўринда темир йўлдаги айрим тартиббузарликлар ҳам олғирларга қўл келаётганлигини таъкидлаш керак. Яқинда Ереван шаҳрига жўнатилган контейнерни текшириб кўрганимизда 330 минг сўмликдан зиёд моллар қонунга хилоф равишда олиб кетилаётганлигини фош қилдик. Улар орасида оддий хўжалик, маданий моллардан тортиб, тракторгача бор экан. Роман Габрилян деган шахснинг кўнгли жумҳуриятимиздан ҳатто чироқ (980 дона), белкурак (1000 дона), паншаха (75 дона), 2 минг сўмлик қошиқ каби молларни олиб кетишни тусаб қолибди. Кир ювиш машиналари, электр плиталар, кофе, ун каби ўзимизда ўта ноёб маҳсулотларни у қаердан олди экан?

Роман Габрилянку, ўз халқини, аниқроғи ўз жиғилдонини ўйлаб шу ишни қилган. Аммо Зомин маҳаллий саноат корхонаси раҳбарлари 2 тоннадан зиёд бўёқни ими-жимида Ленинободга жўнатганларида нимани назарда тутишди экан?

Октябрь район тайёрлов идораси бошлиғи Рустам Қозоқбеков ҳам ўз вазифасининг бир қисмини Ереван шаҳари аҳолисига «хизмат» кўрсатишда, деб тушунишса керак. Бўлмаса унинг топшириғига биноан тайёрловчи М. Абдураҳмонов 70 тонна қовунни қонунга хилоф равишда жўнатиш ташвишига тушмасди.

Хуллас, ўтган 7 ой мобайнида инспекциямиз томонидан ўзга томонларга қонунга хилоф равишда олиб кетилаётган 12 миллион сўмлик сабзавот, 1,5 миллион сўмлик полиз маҳсулотлари, 2 миллион сўмликка яқин ноёб озиқ-овқат маҳсулотлари, 18 миллион сўмликдан зиёд саноат моллари, қурилиш анжомлари, 13,5 миллион сўмлик бошқа ноёб товарлар ушлаб қолинди, давлат ҳисобига ўтказилди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Давлат божхонаси комитетининг ташкил этилиши бу соҳада хизмат қилаётган ходимларнинг янада фаолроқ, дадилроқ ишлашлари учун шарт-шароит туғдириши аниқ. Шундай экан жумҳуриятнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз.

Суҳбатдош «Ўзбекистон овози» мухбири

Баҳриддин САТТОРОВ.

● МУҲАРРИРИЯТДАН: Ҳурматли газетхонлар! Майор Абдуллажон Қодировнинг жавобларига қараганда, Жиззах вилоятида моддий-товар бойликларини четга ташиб кетилишига чек қўйиш борасида анчагина ишлар қилиняпти. Аммо «Подполковник нега ишдан олинди!» номли мақолада посбонларнинг ҳар доим ҳам ўз вазифаларига виждонан ёндошмаётганликлари, айрим ҳоллларда эл бойлигининг ўзга жойларга чиқиб кетишига кўмаклашаётганликлари ёки қонуний тарзда олиб ўтилаётган молларни ушлаб қолишаётганлиги, бундан ташкилотлар ҳам, одамлар ҳам жиддий зарар кўраётгани ҳақидаги фикрларни айтган эдик.

Балки, сиз ана шундай воқеаларнинг гувоҳи бўлгандирсиз! Бундан азият ҳам чекгандирсиз! Бизга ана шулар ҳақида аниқ мисоллар билан ёзиб юборишингизни сўраймиз. Бу билан Сиз, азиз газетхонлар, республикамиз бойлигини, эл ризқини асраб қолишга баҳоли қудрат ҳисса қўшган бўласиз. Хатларингизни кутамиз.

• *Байрам арафасидаги мурувват*

ҲАЖ САФАРИДА ҚИЛИНГАН НИЯТ

Газетага кимлар мурожаат қилмайди дейсиз. Келаётган мактубларнинг бирида меҳнат самараси қувончи баҳам кўрилса, бирида кўнгилга таскин изланади, яна бирида эл-юрт дарди билан ёниб-ёниб ёзнишади. Вилоятларда бўлганимизда, одамлар айрим ижтимоий масалалар ва уларнинг ечимлари хусусида илтимослар билан ёнимизга келишади. Газета икки ташкилот ўртасида нажот кўприги вазифасини бажарганида меҳнатимиздан биз, мухбирлар ҳам қувонамиз.

Яқинда Фарғонанинг Олтиариғида бўлганимизда, Ҳамза минерал сув заводи раҳбари Қаҳҳор Иброҳимов ўзини қийнаётган муаммо хусусида сўз очиб қолди. Бу, Оролбўйи муаммоларидан бири ҳақида эди.

Бозор иқтисодиёти туфайли республикада нарх-навонинг кескин ортиб кетиши ҳаммани ташвишга солиб қўйди. Жумладан, завод минерал суви нархи ҳам кескин ортиб кетди. Бир пайтлар тийинлар билан баҳоланган шифобахш минерал сувлар ҳозирга келиб сўмлар билан харид қилинмоқда.

Завод раҳбарининг жон койитгани боиси бор: темир йўлда сувни буюртмачиларга етказиб бериш учун тўланадиган ҳақ ҳам осмон баравар кўтарилди. Масалан, белгиланган тартибга кўра, темир йўлда минерал сув ташиш ҳақи 1991 йилга нисбатан шу кунгача 48 баравар ортди. Бу эса буюртмачиларни ҳам, маҳсулот тайёрловчиларни ҳам эсанкиратиб қўйди.

Чунки ўртада тузилган шартномага мувофиқ сув заводи Оролбўйидаги Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига ичимлик минерал сув етказиб беришни ўз зиммасига олган. Шартномани бузиш эса завод учун қимматга тушади. Бузмай деса, жамоанинг ризқи-насибаси қийилади.

Биз А. Иброҳимов илтимоси бўйича Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси бошлиғи, республика халқ депутати В. М. Желтоуховга мурожаат этдик. Оролбўйи аҳолисининг ичимлик минерал сувга ўта муҳтожлигини ҳисобга олиб, темир йўлда Оролбўйига сув етказиб бериш ҳақини арзонлаштиришни сўрадик.

Темир йўл бошқармаси раҳбарияти масаланинг моҳиятини тушунди. Бошқарма бошлиғининг буйруғи билан 1992 йил август ойидан бошлаб Оролбўйига минерал сув ташиш ҳақи 24 баравар камайтирилди.

Куни кеча сув заводи директори таҳририятга ташриф буюрди. Газетанинг саъй-ҳаракатидан, муаммо ечимини топганидан мамнунлигини яшира олмади.

— Чучук сувга зор халқнинг мурувват туфайли дардлари енгилласа, меҳнатимизга рози бўлардик, — деб таъкидлайди А. Иброҳимов. — Яқинда Саудия Арабистонига — ҳаж сафарига бориб қайтдим. У ҳудудда ер ости сувлари йўқ экан. Аммо ишбилармонлик туфайли ҳажга борган миллионлаб кишиларга бир вақтнинг ўзида турли эҳтиёжлар учун сув етказиб берилаётганига қойил қолдим.

Шунда агар эсон-омон Фарғонага қайтсам, Оролбўйига ичимлик сув етказиб беришни енгиллаштиришни ният қилгандим. Бугун сизлар туфайли шу ниятим ос бўлса ҳам ушалганидан бошим осмонга етди.

Кўпдан қуён қочиб қутулмас, дейдилар. Агар бир ёқадан бош чиқариб ҳаракатга тушсак, Оролни тўлдира олмасак ҳам, у ердаги аҳолини ичимлик сув билан таъминлашимиз мумкин-ку! Жамоамиз билан маслаҳатлашиб, Оролбўйига қўлимиздан келганча мурувват кўрсатишга аҳдлашдик. Фурсатдан фойдаланиб, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси ва «Ўзбекистон овози» рўзномасига эзгу ниятни амалга оширишда ёрдам беришгани учун миннатдорчилик билдираман. Раҳмат, азизлар...

Бу суҳбат бизни ҳам тўлқинлантирди. Шунда дабдабалар билан Орол жамғармасини тузганлар нега бундай муаммоларни ечишдан йироқлашиб қолди, деб ўйладик. Жамғарма раҳбарлари арқонни ҳар томонга тортмасдан, мақсадларини мурувватга умумлаштирсалар яхши бўларди.

Биз бу масалага бўлган муносабатини билиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг озиқ-овқат саноати («Ўзпищчепром») концерни пивочанқовбосди ичимликлар бошқармаси бошлиғи Л. Г. Кобецга мурожаат қилдик.

— Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси ва «Ўзбекистон овози» газетаси Оролбўйи аҳолисига мурувват кўрсатиш масаласига аралашиб, минерал сув ташиш ҳақини ҳозирги шароитда тенг ярмига камайтиришга эришгани катта гап, — деди Лариса Григорьевна. — Республика Мустақиллик кунини нишонлаш арафасидаги бундай хабар қувонарли, албатта. Фурсатдан фойдаланиб, айрим ибратли ишларни айтгим келади. Мустақиллик куни шарафига Фарғонада «Азиз сув», Тошкентда «Зангиота — 1», Андижонда эса «Андижоним» деган минерал сувлар қуйиш йўлга қўйилди. Тармоқ ходимлари тайёрлаётган минерал сувлар ошқозон-ичак, жигар ва ўт йўли, буйрак, модда алмашишнинг бузилиши касалликларига шифо бахш этади.

Бизнингча, Оролбўйи аҳолисига етказиб бериладиган ва у ерда сотиладиган минерал сувнинг баҳосини ҳам арзонлаштириш йўлларини қидириш керак. Бу соҳада дастлабки қадам ташлангани яхши. Лекин ишни охирига етказиш лозим. Республикамиздаги бу ишга мутасадди кишилар шу хусусида жиддий ўйлаб кўрсалар, яхши бўларди. Бундай мурувватни Оролбўйи аҳолиси унутмайди.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Катта байрам — республика Мустақиллик куни шодиёнасига саноқли кунлар қолди. Асака районидаги Солиҳон Тошлонова номли жамоа хўжалиги аъзолари ҳам ана шу санага қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Бугун кўп тармоқли хўжалик деҳқонларининг қўли-қўлига тегмайди. Ҳар ким ўз юмуши билан овора. Республика халқ депутати Йўлдошали Ирисов эса уларга бош.

Пахта — мустақиллигимизни мустаҳкамлашини ҳис қилган жамоа бу йил 404 гектар майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганлар.

СУРАТДА: хўжалик раҳбари, Ўзбекистон халқ депутати Йўлдошали Ирисов (ўнгда) илғор бригаданинг етакчиси Султонбек Тошпўлатов билан.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ХДП ҳаётидан

ҲАМКОР, ҲАМФИКР БЎЛИНСА...

● Бозор иқтисодиётининг ҳозирги мураккаб даврида пойтахтдаги Акмал Икромов район партия кенгаши асосий эътиборни аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратмоқда. Бу борада район ҳокимлиги билан ҳамкор, ҳамфикр бўлиб иш тутаётир. Шу боис ҳам райондаги қатор муаммолар ўз ечимини топмоқда.

— Акмал Икромов районида асосан аҳоли истиқомат қиладиган уй-жой массивлари жойлашган, — дейди район партия кенгашининг биринчи котиби Шуҳрат Ёқубов. — Аммо ишсизлар кўп. Уларни доимий иш билан таъминлаш энг катта ва биринчи галдаги вазифа бўлиб турибди.

Партия кенгаши ва ҳокимлик ушбу масалани ечишнинг энг мақбул йўли кичик корхоналар ташкил этиш деб билмоқда. Яқинда Акмал Икромов номли маҳалла ҳаётида катта воқеа содир бўлди. Бу ерда кичик корхона очилди. 50 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Район партия кенгаши қошида эса «Ширин», «Тошинтер», «Бинокор» кичик корхоналари ташкил этилди. Улар низомида партия ташкилотларига ёрдам бериш ва маблағ билан таъминлаш кўзда тутилган. Ҳокимият «Меҳнат биржаси»га вақтинча ишламаётганларни иш билан таъминлаш учун кичик корхона очишга имкон туғдириб берди.

— Биз кичик корхоналар очиш учун зарур шароит яратишга интилаяпмиз, — деди Акмал Икромов рай-ни ҳокими Осимхон Алихўжаев. — Бинолар топиш, турли ҳужжатларни расмийлаштириш ишларида ҳокимият уларга кўмаклашмоқда. «Меҳрибонлик», «Чернобилчилар» жамиятлари учун имтиёзлар яратиб берилди. «Ветеран» жамияти қошида кичик корхонани тузишга ёрдам бердик. Улар одамларни иш билан таъминлаб-гина қолмай, айни пайтда фахрийлар ва ногиронларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашмоқда. Ҳокимият район аҳолисини ижтимоий муҳофазалаш сингари муҳим масалада ҳам район партия кенгаши билан бамаслаҳат иш тутмоқда. Бу райондаги барча эзгу ишларда ўзининг амалий ифодасини топяпти.

Район партия кенгаши томонидан тузиб чиқилган ёрдамга муҳтож, аҳволи ночор бўлган одамларга, фахрийлар, ногиронлар ва кам таъминланган хонадонлар рўйхати туфайли турли хайрия ва меҳр-шафқат ёрдамлари адолатли тарзда ўз эгалари қўлига етиб бормоқда. Шунингдек район ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бўлимлари ва бошқа ташкилотлар билан тузилган ҳамкорлик шартномалари кишиларга вақтида зарур ёрдам уюштиришда ва мавжуд муаммоларни ҳал этишда яхши самара беряпти.

Хуллас, иқтисодиёт ва турмушдаги ҳозирги қийинчиликларни бартараф этишда район партия кенгаши ва ҳокимликнинг баҳамжиҳатлик билан иш олиб бораётгани масалаларни вақтида адолатли ҳал этишни осонлаштирмоқда.

А. РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Мухбирларимиз ёзадилар*

● БУХОРО

РАЙОН ГАЗЕТАСИ МУҲАРРИРИ ҚЎШМА КОРХОНА ТАШАББУСКОРИ

● РОМИТАНДА Россия Федерацияси, Иваново вилоятининг Шуя шаҳридаги «Синапс» ишлаб чиқариш-тижорат корхонасининг филиали ташкил этиляпти.

Бундан мақсад ивановолик тўқимачиларнинг хом ашёга ва ромитанлик пахтакорларнинг қайта ишлаш саноати ва қурилиш индустриясига бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

Бундай ҳамкорликка «Синапс» корхонаси раҳбари И. Нечаев билан Ромитан район рўзномаси муҳаррири Н. Воҳидовнинг ташаббуси сабаб бўлди.

Мазкур корхона мустақил ҳамдўстлик мамлакатларидаги йирик шаҳарлар қатори, хорижда ҳам ўз филиалларига эга бўлиб, асосан «сталефибрбетон» маҳсулоти ишлаб чиқаришга ихтисослашяпти.

Н. НАИМОВ.

● ХОРАЗМ

МАРКАЗИЙ МАЙДОН ЯНГИЛАНАДИ

● ВИЛОЯТ ҳокимлиги Урганч шаҳрининг Марказий майдони шакл-шамойилини ўзгартиришга қарор қилди.

Бу майдон кўп йиллардан буён В. И. Ленин номи билан аталиб келинаётган эди. Шаҳар жамоатчилиги вакилларининг таклифи инобатга олиниб, Ильич ҳайкали олиб қўйилди. Эндиликда унинг ўрни Хоразмнинг тарихий-маданий, миллий урф-одат ҳамда қадриятлар асосида қайта ободонлаштирилади. Бу ерда барпо этиладиган ёдгорлик учун лойиҳалар кўрик-танлови эълон қилинди. Унинг шартига кўра марказий майдоннинг номи ҳам ўзгартирилади. Ғолибларни катта миқдордаги мукофотлар кутяпти.

М. ЭРКИНБОЕВ.

● АНДИЖОН

УН ТАЙЁРЛАШНИНГ «ЎЗБЕК ТЕХНОЛОГИЯСИ»

● АНДИЖОН ун заводида айланма ёпиқ технологик усулда ун тайёрлаш тажриба цехи фойдаланишга топширилди.

Вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори муовини Одилжон Жалоловнинг таклифи билан қурилган бу цех синовдан муваффақиятли ўтди. Мутахассислар республикада ун тайёрлашнинг «Ўзбек технологияси» яратилганидан мамнун бўлдилар.

Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган бу кичик корхона жуда арзонга тушди. О. Жалоловнинг ишбилармонлиги туфайли эски мосламалар, кўп йиллардан бери бекор ётган бино 6 ойда таъмирланиб, ишга туширилди.

А. ҚУРОНБОЕВ.

• *Улкан хирмон—Мустақил Республикамизга дармон*

АСАД—ЭКИНИНГНИ ЯСАТ!

Республикамизда асат ойи давом этмоқда. Боғлар болга тўлди. Тилими тил ёрадиган қовун-тарвузлару ширин-шакар мевалар пишиб етилди.

Асосий экинимиз — ғўза парвариши авжида. Миришкор пахтакорларимиз Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига муносиб совға — улкан хирмон яратиш иштиёқида. Хўш, бу йилги серёғин келган шароитда далаларда қандай ҳосил етиштирилмоқда?

Аввало, шуни айтиш керакки, ғўзаларнинг ривожи ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Лекин шуниси қувончлики, мавжуд кўчатларнинг аксарияти соғлом, касалликка деярли чалинмаган. Ҳашаротларга қарши астойдил кураш олиб борилиши сабабли кўп жойлардаги ғўзаларга зарар етмаган. Фақат айрим жойларда, масалан Тошкент, Андижон вилоятларидаги баъзи хўжаликларда ўргимчаккана ривожланиб, бирмунча зарар етказган. Бу зарарни камайтириш, эндиликда пайдо бўлаётган ўргимчакканани учинчи авлодини қуритиш чора-тадбирларини деҳқонларимиз яхши биладилар. Бу борада биологик усул, зарур ҳолларда кимёвий усулдан фойдаланиш кераклиги ҳаммага маълум.

Ҳозирги пайтда ғўза тупларида етарли ҳосил бор. Энди яна 25—30 кун давомида ғўза яхши парвариш қилинса, ҳосил тўлиқ ва сифатли бўлади. Маълумки, бу йил ҳарорат олдингидан анча паст келди. Ҳарорат танқислиги 50-175 даражани ташкил этди. Шу боис тўпланган ҳосилнинг тўла шаклланиши учун шароит яратиш муҳим. Бу борада ғўза баргини чилпишнинг аҳамияти катта. Шу тадбир натижасида ғўза ғовлаб кетмайди, барг ва кўсакларга қуёш нури, ҳарорати етиб боради, кўсаклар тўкилмайди.

Айни пайтда бу муҳим иш Жиззах, Наманган, Андижон, Қашқадарё вилоятларида кўнгилдагидек олиб борилмоқда. Қорақалпоғистон республикаси, Навоий, Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятларида ғўза баргини чилпишда орқада қолишаётир.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақиллик байрами тобора яқинлашмоқда. Пахта эса мустақил республикамизнинг асосий бойлиги. Бас шундай экан, мўл ҳосил етиштириб, элимизни шод этайлик, унинг иқтисодиётини кўтаришга муносиб ҳисса қўшайлик. Бунинг учун ғўза парваришини авж олдириш билан бирга йиғим-теримга ҳам пухта ҳозирлик кўриш даркор. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «1992 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарликни тугаллаш ва йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш чоралари тўғрисидаги»ги қарорида таъкидлаганидек, барча тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари бу ишни уюшқоқлик билан ўтказишни таъминласалар, айни муддао бўларди.

Деҳқончилик саноати бўлими.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА АДАБИЙ ЎҚИШ

Азиз муштарийлар! Газетамизнинг ўтган сонида «Ўзбекистон» нашриёти республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деб номланган рисоласини кўп нусхада ўзбек ва рус тилларида босиб чиқарганлигини маълум қилган эдик.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси республика истиқлолининг бир йиллиги тантаналари арафасида ана шу китобча асосида адабий ўқиш ташкил этди. Ўзбекистон телевидениеси 23 августдан бошлаб ҳар куни биринчи дастур орқали кеч соат 21.00 да шу кўрсатувни эфирга бермоқда. Шу тариқа кўп миллионли телетомошабинлар ушбу рисола билан 30 августгача танишиб бориш имкониятига эга бўлдилар. Китобчани Ўзбекистон «ойнаи жаҳони»нинг истеъдодли сухандони Мирзоҳид Раҳимов ўқимоқда.

ГУНОҲИ АЗИМНИНГ ҚАЙ БИРИ ТАСДИҚЛАНДИ?

● Газетамизга келаётган хатларнинг анчагина қисмида жойлардаги камчиликлар, ўғирлик ва қаллобликлар ҳақида гап боради. Биз келтирилган фактларни аниқлаш, қолаверса шундай нуқсонлар, ноқонунийликларга чора кўриш, уларнинг олдини олишни таъминлаш учун тегишли юқори ташкилотларга юборамиз. Уларнинг аксарлигича масала жиддий ўрганилгани, аҳволи яхшиланганги, тартиб-интизомни, қонунни бузганлар тегишли жазосини олганлиги ҳақида жавоблар келади.

Аммо шундай жавоблар ҳам бўладики, уни ўқиб, на кулишни, на қуйишни биласиз. Келинг, ҳурматли муштарий! Сўз исботи билан, деганларидек эътиборингизга бир шикоят ва уни текшириб «чора» кўрилгани ҳақидаги жавобни ҳавола этайлик.

— Мен ишлаётган Чирчиқдаги автомобиль ўқув билимгоҳида аҳвол жуда оғир, деб ёзади билимгоҳ ўқитувчиси Абдулла Абдураззоқов. — Директоримиз ўз билгича иш юритади. Автодром, автомобилларни созлаш хоналари ва у ердаги жиҳозлар, асбобускуналар қандайдир шиддатга топшириб қўйилган. Машқ машиналарни очиқ жойда, ҳеч қандай шарт-шароит яратилмаган ерларда ремонт қилинади. Эҳтиёт қисмлар йўқ. Уларни ўзимизга сотиб олишга мажбур қилишади. Бор эҳтиёт қисмлардан эса директор ўзи билганча фойдаланади. Масалан, у ўз хизмат машинасининг эҳтиёт қисмларини ҳар йили алмаштиради. Ҳатто машина моторини икки, уч марталаб янгилайди.

Мана, ушбу шикоятга Чирчиқ шаҳар ҳокими Д. Азизхўжаев имзо чеккан жавоб. Аслида шикоят ўзбекча ёзилган бўлсада, негадир жавоб мактуби рус тилида битилган. Шу туфайли унинг таржимасини қисқача баён этамиз.

Абдулла Абдураззоқов ўз аризасида келтирган фактлар қисман тасдиқланди. Текшириш юқори раҳбар ташкилот — «Ўзавтоходимлари» жамоаси раҳбарлари иштирокида олиб борилди. Текшириш якунларига кўра, йиғилиш ўтказилди. Автомобиль ўқув билимгоҳи директори Ш. Дадажонов камчиликларга йўл қўймаслиги лозимлиги ҳақида огоҳлантирилди.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, жавобда шикоятдаги фактлар қисман тасдиқланганлиги баён қилинсада, уларнинг қай бири тасдиқланганги, қай бири тасдиғини топмагани ҳақида аниқ айтилмаган. Ваҳолонки, А. Абдураззоқов йўл қўйилаётган қонунсизликларни очиқ-ойдин айтиб ўтган эди.

Қолаверса, агар шикоят хатида келтирилган фактлар тўғри бўлса, бу шунчаки нуқсон эмас, жамоани бошқариш ҳамда молиявий интизомни бузиш йўлида қилинган катта камчилик, гуноҳи азим-ку! Агар фактлар тасдиқланган бўлса, директор огоҳлантирилиши эмас, жавобгарликка тортилиши керак. Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Чирчиқ шаҳар ҳокими Ш. Дадажоновни нега ҳимоя қиляпти? Тушуниш қийин. Бни балки вилоят, ҳокимлиги тушунтириб берар.

К. РИХСИЕВ.

ЛУКМА

• *Мухбиримиз бонг уради*

ҚЎЙЛАР НЕГА ҚУВҒИНДА?

ЁКИ ЗАҲАР ТЎЛГАН ЗАҲАРХОНАЛАР ХУСУСИДА

● Навоий вилоятида, жумладан Навоий шаҳрида у ёки бу турдаги саноат хом ашёси ишлаб чиқаришга ихтисослашган 17 та катта-кичик корхона мавжудлиги, уларнинг табиатга, инсон саломатлигига зиёни хусусида бир неча бор бонг урилган.

ХА, бугунги кунда энг гигант саноат корхоналари саналмиш цемент заводи, электрлашган кимё корхонаси, Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси яқинида аҳолининг 4—5 мингга яқин моли, Навоий районидаги «Кармана», Қизилтепа районидаги «Маликчўл» давлат хўжаликларининг 70 мингга яқин қўй-қўзиси, кўплаб эчкиси, қорамол ва йилқилари боқилади. Айтиш мумкинки, бу чорва молларининг ҳаммаси бугун қувғинда. Чунки, саноат корхоналарининг кенгайиши, ишлаб чиқариш қувватининг ошиши эвазига бу давлат хўжаликлари ери, яйлови йилма-йил қисқариб кетаяпти. Бунинг устига заҳар тўла заҳархона ҳамда ахлатхоналар тобора кўпаймоқда. Оддий сув ҳавзалари у ёқда турсин, ҳозир Маликчўл сахроларидаги энг чуқур қудуқлар суви ҳам истеъмолга ярамайди. Бироқ, наилож! Ҳамма отардаги молларга сувни транспорт ёрдамида ташиб бериб бўлмайди-ку! Иккинчидан, сувни машинада ташиб берсангиз хўжаликлар бир ойга бормай инқирозга учрайди. Чунки, ҳозир бензиннинг ҳар литри 10—12 сўм, солярканики эса 13 сўм...

Шундай бўлгач, заҳарланган қудуқдан қўй суғоришга мажбурмиз. Сув-ку майлия, эндиликда цемент заводи чангалидан яйловга мол ҳам ҳайдаб бўлмаяпти. Агар «Кармана» давлат хўжалиги майдони 50 минг гектар, шундан қўй боқиладигани 30 минг гектар бўлса ана шунинг 10 минг гектарини цемент заводи аллақачон чанг, цемент қолдиқлари билан тўлдириб бўлган. Чанг ва цемент чиқитлари кўплигидан Маликчўл ва Қарнабчўл гуллари бўлган шувоқ, каррак, изен, саксовул, юлғун аллақачон қуриб, қовжираб бўлди. Эндиликда оёқланг бўлиб изласангиз ҳам Маликчўл кенгликларидан янтоқ ва қўнғирбошдан бошқа ўтўланни топа олмайсиз.

Бироқ, катта бошга тор дўппи ярашмаганидек, яйлов бўлмагач, қаерда ҳам мол боқиш мумкин? Қўйчивонлар амаллаб бўлса-да, отарни цемент босган тақирликка ёйишга мажбур. Агар аслида ҳар қўйга серўт, серунум яйловдан 6—7 гектар керак бўлса, мазкур хўжаликда ҳар молга атиги 1 гектар ер тўғри келади. У ҳам бўлса заҳар ва чанг босган ерлар.

— Цемент заводининг етказаётган зарарига чидаб, қўйларни яйловдан яйловга кўчириб бўлса-да амаллаб боқиб юрувдик, аммо электрлашган кимё корхонасининг салбий оқибатларига мутлақо чидаб бўлмаяпти, — дейди давлат хўжалиги директори Нарзи Ҳидиров. — Бу корхона 1-ферма яйловларига қарийб 1 миллион тонна атрофида заҳарни чиқариб ташлаган. Ҳозир ферманинг қуми ҳам, суви ҳам заҳар. Бундан ташқари корхонанинг «Ажал ҳавзаси»га қадар бўлган 25 километр масофадаги қувурлар эскириб, аллақачон чириб бўлган. Натижада катта бир фермадан ўтган қувурлардан қора заҳар томиб сирқиб ётибди. Буни ичган қўйлар ҳаром ўляпти. Наҳотки бу қувурларни янгилаш, уларни ўраб хавфсизлигини таъминлаш шу қадар мушкул бўлса?!

Ҳа, директорнинг қуйинчаклик билан гапирганича бор. Яйловларга, жамоат чорвасига корхонанинг зиёни каттами, демак корхона раҳбари бунинг чорасини топсин. Бундан ташқари хўжаликка етказилган зарар учун ойма-ой товон пули тўласин! Ҳозирнинг ўзидаёқ кимё корхонаси хўжаликка 20 миллион сўмдан зиёд иқтисодий зарар етказган. Агар цемент заводи, Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳам яйловларга, қўйларга етказаётган зарарини қўшиб ҳисобласак бу миқдор 50 миллион сўмдан ошади. Хўш, бу зарарни ким қоплайди? Бунинг устига ҳар килограмм гўштнинг нархи 60—70 сўм бўлган ҳозирги шароитда ўлаётган ёки таъқиб қилинаётган қўйлар учун ким жавоб беради?

— Қўйларнинг заҳарланиб ўлишига-ку айтарли кўникувдик, — дейди Қизилтепа районидаги «Маликчўл» давлат хўжалиги директори, халқ ноиби Шариф Нарзиев. — Бироқ эндиликда чўпон-чўлиқларимиз ҳам заҳарланиб, касалманд бўлиб қолишаяпти. Кейинги икки йил ичида 1—2 фермаларимиздан ўнлаб чўпонлар кўз, бош, ҳафақон касаллигига чалиниб, яйловни тарк этдилар. Отарларни заҳархонадан қанчалик узоқлаштирмайлик, барибир зиёни каймаяпти...

Ахир, зиён қандай камайсин? 325 гектар майдоннинг ўзида етти миллион тонна заҳар тўплаган «ажал ҳавзаси», шу хўжалик ҳудудида бўлса, бунинг устига ҳар куни 150—200 тонна атрофидаги қора заҳар қўшилиб турган бўлса, зарар қайдан камайсин? Афсуски, қўй-қўзилар боқилаётган Маликчўл сарҳадларида бу сингари заҳархона битта эмас, 170 гектарни эгаллаган кон-металлургия комбинатининг ҳамда 42 гектар жойдаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг заҳархона ва чиқитхоналари ҳам жамоат чорвасига қирон келтирмоқда. Агар бунга Навоий қурилиш бошқармасининг тош қазиб олиш ва майдалаш заводини, Оҳактош ҳамда Қизилқум қазиб олиш карьерларини, шаҳар коммунал хўжалиги ахлатхоналарини ҳам қўшиб ҳисобласак қўйлар қувғинда-лигига тўла ишонч ҳосил қиламиз.

Лекин «чиқмаган жондан умид» деганларидек, «Кармана»ва давлат хўжалиги қоракўлчилари келгусида моллар боши сонини 30 мингга, «Маликчўл»ликлар эса 50 мингга етказамиз, деб орзу қилиб юришибди. Бироқ бу орзуларни, ҳайрли ишларни саробга айлантираётган заҳархоналар қачон тугалланар экан, буни ҳеч ким билмайди. Давлат хўжаликлари саноат корхоналари учун бериб қўйган ерларини ҳеч қачон миннат қилмайди, аммо табиатга, хўжалик молларига етказилаётган зарар учун корхоналар раҳбарлари айбини кечирмайди. Яқинда Навоий район ҳамда вилоят прокуратураси ходимлари бу масалада ўзига хос ечимга келишди ва айрим жавобгар шахсларга нисбатан ажрим чиқаришди.

Бизнингча, энди ташаббусни жумҳурият қонунчилари ҳамда республика табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари қўлга олмоғи керак. Акс ҳолда қўйлар қувғинда қолиб қирилиб кетиши, заҳархоналар эса янада кўпайиши мумкин.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ШАҲАР КЎЗГУЛАРИ

3. САВДО: ЭСКИ ҲАММОМ, ЭСКИ ТОС

● Ҳеч эсимиздан чиқмайди, қайта қуриш бошланган пайтлар эди. Редакциядан шаҳардаги катта корхоналардан бирининг бошлиғига сим қоқдик.

— Сизларда қайта қуриш ишлари қандай кетяпти?

— Жуда зўр. Маъмурий бинони қайта қуряпмиз. Чойхонани янгиладик. Қурилиш ишлари зўр кетяпти...

Жавобни эшитиб на кулишни, на йиғлашни билмайсан, кишн. Кап катта одам мулзам бўлмасин деб телефон қўндоғини «Ҳа, яхши» дея қўйиб қўйдик.

Дўппини бошдан олиб, жиддийроқ ўйласангиз, ҳозирда айрим вазирликлар, бирлашмалар, корхоналарнинг номининг ўзгариши ҳам худди шунга ўхшаб кетади. Ўзи тоғда-ю, боши боғда. «Пақ» этиб номини ўзгартириб олади. Аммо ишини яхшилашдан, халққа қайишишдан дарак йўқ. Ўша эски ҳаммом, эски тос. Алихўжа — Хўжаали. Ўша эски тартиб, ўша эски услуб, ўша иш—иш. Бирор бир янгилик, олға силжиш деярли йўқ. Жойида депсиниб ётгани-ётган...

ЎЗБЕКИСТОН Савдо вазирлиги ҳам номини ўзгартиргани анча бўлди. Ҳозир у «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси деб аталади. Хўб жарангдор. Раиси ҳам ўша собиқ вазир — Мираброр Усмонов. Хўш, бу билан савдо иши ўзгардими, бундан халққа не манфаат? Қорни тўйдимикин? Эгни бутми? Дўконлар молга тўлиб кетдими? Хоҳлаган нарсангизни топа оласизми? Тополсангиз ҳам тижорат дўконларидан топишингиз мумкиндир. Лекин нархига нарвон қўйиб чиқолмайсиз. Буни қарангки, катта арава қаёққа юрса, кичиги ҳам ўша томонга жилар экан. Республикадаги савдо бошқармалари, шу жумладан Тошкент савдо Бош бошқармаси ҳам «лип» этиб тўнини тескари кийиб олди. У энди «Тошкент давлат савдо концерни» деб аталади. Бошлиғи ҳам ўша-ўша. Рустам Ўрозбоев. Номи ўзгаргандан халққа не фойда? Номи «Эшмат фирмаси» бўлмайдими, у нон берсин, сут берсин, товар нархини жиловласин, мўл қилсин. Така бўлса ҳам сут берсин, дейди халқ. Буни қарангки, чиллаки чиллакини кўриб чумак урганидек, озиқ-овқат савдо идоралари (райпишчеторглар) ҳам номини бошқа қўйиб олдилар. Марҳамат танишинг, энди улар «фалончи савдо-ишлаб чиқариш акционерлик жамияти» деб аталади. Жарангдор-а? Ҳозир халққа мингта гапдан битта аниқ иш яхши. Жарангласин, исми-жисмига яраша, ишига қараб жарангласин. Ана шунда куйдирмайди ғалваси, арзийди шавласи...

Алқисса, савдода аҳвол ўша-ўша. Бундан бир неча йил муқаддам редакцияга шикоятлар Жайҳундай оқиб келаётган бўлса, ҳозир ҳам ўша-ўша. Устига-устак савдодаги ишлар олға силжиш ўрнига ортга қараб кетяпти. Муттаҳамликлар, ўғирликлар, харидор ҳақига ҳиёнат қилишлар кўпайса кўпайдики, озаймаяпти. Бу иллатлар йилдан-йилга, эски савдо ходимидан янгисига «нодир» мерос, тажрибани ўргатиш шаклида ўтиб келмоқда. Қани сиз билсангиз айтинг-чи, нима ўзгарди? Фақат чайқовчига, олибсотарга йўл очиб бердик, холос. Оддий бир мисол. Кўча-кўйда, ҳар қадамда чайқовчилар болгор тамакисининг бир қутисини 40 — 50 сўмдан чайқаяпти. Ваҳолонки, давлат нархи нари борса 10—15 сўм туради. Хўш, ўша тамаки сотаётган лўли холанинг амма-холасини тамаки фабрикаси борми? У қаердан олади. Ёки учар гилами борми, божхонага чап бериб, Болгорияга бориб олиб келадими? «Сигаретингиз мунча қиммат?» — деб сўрасангиз: — «Оповси, биз ҳам дўкондан нақд устига бериб оламиз» — дейди. Қани ўша дўкон? Ким сотяпти? Ахир уларни ким ушлайди? Бунинг тағига ким етади? Бор-ми, калаванинг учини топадиган мард? Ёки фақат ушлаб чой-чақасини олиб, қўйиб юбораверамиз-ми? Қачонгача? Қачон савдода инсофли, диёнатли одамлар ишлайди?

Бу фақат бизнинг дарду-фиғонимиз эмас. Бу — халқ нидоси, хатларда оқиб келаётган акс-садо бу...

Вазирлик номини ўзгартиргани билан иши ўзгармаса, демак одамлари уддабурон, тадбиркор эмас. Унда шундай ишбилармон одамларни топиб қўйиш керак. Биз навбатдаги рейдимиз мобайнида жойлардаги аҳволни кўриб, ана шундай мантиқий хулосага келдик...

Бундан тўрт ой муқаддам аянчли бир воқеа бўлган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «Пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотларининг харид нархларини ва пахта толасининг улгуржи нархларини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Эътибор қилган бўлсангиз, қарорда гап фақат харид ва улгуржи нархлар ҳақида боряпти. Аммо Савдо вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг, аниқроғи савдо Бош бошқармасининг совуққонлиги оқибатида айрим дўконларда сут маҳсулотлари оширилган нархларда сотила бошланди. Наҳотки, савдо ташкилотида ишлаб туриб, ҳарид ва улгуржи нарх билан чакана нархнинг фарқини билишмаса?! Бу кўзбўямачилик тошкентликларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Шаввозларни қаранг, дўпписини олиб кел деса, калласини оладилар-а! Афтидан бу ерда бошқа гап бор. Сотувчилар ўзларини анқовликка олибми, тушуниб ёки тушуниб етмайми, «ётиб қолгунча отиб қол» қабилида иш тутдилар. 2 апрель куни Тошкент шаҳрининг текшириш ўтказилган 71 та магазинидан 5 тасида сут перейскурантда кўрсатилганидан ошириб сотилганлиги аниқланди. Бундай ҳоллар Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Сирғали, А. Икромов, С. Раҳимов районлари озиқ-овқат дўконларида ҳам содир бўлган.

Юқорида келтирилган фактлар шундан далолат бермоқдаки, деб таъкидланганди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг матбуот шўъбаси хабарида, Савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасидаги масъул ходимлар ҳукумат ва Президент қарорларининг ўз вақтида бажарилишини таъминламаяптилар.

Савдода нарх устидан назорат ўрнатмаганлиги қўл остидаги савдо корхоналарини ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, магазин мудирлари ва ишчи-хизматчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормаганлиги учун Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Абдурашид Раззоқовга нисбатан қатъий чора кўрилди. Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармаси бошлиғи Рустам Ўрозбоевга охирги марта огоҳлантириш шарти билан ҳайфсан эълон қилинди. Чилонзор райпишчеторги директори М. Мажидов вазифасидан четлатилди. А. Икромов, С. Раҳимов, Сирғали, Фрунзе (ҳозирги Яккасарой) райпишчеторглари ҳамда 50-универсал дўкони директорларига қаттиқ хайфсан эълон қилинди.

Савдо ташкилотлари фаолиятини назорат қилмагани учун Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. Мираюбовга ҳам ҳайфсан эълон қилинди. Харидорлар ҳақига ҳиёнат қилгани учун Чилонзор райпишчеторгига қарашли 29, 39-дўконлар мудирлари С. Холматов ва М. Ориповлар ишдан бўшатилди ва ҳоказо.

МАНА орадан тўрт ой ўтди. Аҳвол ўзгардими? Келинг бу саволга жавоб беришга шошилмайлик. Энг қизиғи шундаки, бу орада юқорида номлари зикр этилган савдо ташкилотлари ўз номларини замонга мослаб олдилар, номлари ўзгарди. Кўплар эса, жазодан ҳам қутилиб қолдилар. Мана, масалан Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасининг буйруғига биноан ишдан олинган Чилонзор райпишчеторги директори М. Мажидов бир зумда савдо-ишлаб чиқариш акционерлик жамияти раиси бўлиб олди. Қизиқ! Бу воқеанинг тарихи узун ва чалкаш, албатта. Биз прокурорлик қилмоқчи эмасмиз. Лекин Бош бошқарма ишдан олган одам яна ўз жойида қандай қилиб ишлаяпти, буйруқ ҳам бир тийин экан-да, ёки бу кўзбўямачилик учун қилинган ишми?» деган эътирозларни одамлар билдиришди. Ҳамон шундай гапсўзлар чувалашиб юрибди. Мажидом кимни эркаси бўлган, савдо вазирини ёки Бош бошқарманими ёхуд Чилонзор ҳокимлигиними? — деган саволларни беришяпти.

Биздаги маълумотларга қараганда, 22 майда Чилонзор район озиқ-овқат идорасининг 30-мажлиси бўлиб ўтган. Унда 112 делегатдан 103 киши қатнашган. Шунингдек, мажлисда Чилонзор район ҳокимининг биринчи ёрдамчиси А. Алиев ва ҳокимият савдо бўлими бошлиғи Т. Орифжонов ҳам қатнашган.

Баённомадан кўчирма:

А. АЛИЕВ: — Ўртоқлар, бугунги кенгаш йиғилишимизга қадар, яъни 19 май куни идора бўлими бошлиқлари билан учрашиб, конференцияга тайёргарлик ва ташкилий ишларни етарли даражада олиб бориш юзасидан суҳбат ўтказдим. Бугун эса, кенгаш йиғилишида ҳокимият топшириғига биноан қатнашяпман. Янги вазиятга асосан, акционер жамиятининг раиси белгиланмайди, балки сайланади. Чилонзор район ҳокимияти Савдо вазирлиги ва савдо Бош бошқармаси раҳбарлари билан келишилган ҳолда раис лавозимига ўрток М. Мажидовни 1992 йил 22 май № 1—4—486-сонли хатига асосан тавсия қилади...

Буни қарангки, Мажидовнинг омади кулиб боқди, ўша куни делегатлар уни гулдурос қарсаклар билан акционерлик жамияти раиси қилиб сайлашди...

Энди мантиқан бир ўйланг. Буйруқ қайда қолди-ю, обрў қайда? Наҳотки, савдо Бош бошқармаси ўз овозига ўзи қарши чиқди? Халқнинг статистика бўлими маълумотига кўра районда аҳоли 219200 киши, район паспорт бўлими эса 223001 киши, деб кўрсатяпти. Турар жой ташкилотлари эса 235184 киши, деб маълумот беряпти. Райпишчеторгда эса 221712 кишига товар фонди ажратиляпти. Шунингдек, дўкон ва озиқ-овқат идораси ўртасидаги маълумотлар ҳам чалкаш. Аниқ рақам йўқ. Агар Акмал Икромов райони ҳокимияти маълумотига ишонадиган бўлсак, райпишчеторг рўйхати бўйича ортиқча 2512 кишининг ризқи қаёққа кетяпти? Тўй-маъракагами?

Бунга асос бор. Рейд бригадасининг аниқлашича, ушбу районда биргина 33-дўкондан йил бошидан буён 144 килограмм ун, 2100 килограмм пахта ёғи, 2238 дона совун, 1 тонна шакар четга сотиб юборилган. Сотувчи К. Ёқубжонов эса харидорнинг 1 сўм 10 тийинлик ҳақига ҳиёнат қилган.

27-дўконда бўлганимизда пахта ёғини тарозуда тортмасдан сотилаётганининг гувоҳи бўлдик. Навбат тирбанд. Ҳатто баъзи одамлар пахта ёғи пойлаб 3—4 кундан бери ишга боришмас экан. Гўштнинг 3-нави савдога қўйилмаган. Карточкаларда эса маҳалла қўмиталарининг муҳрлари йўқ. Орада аҳоли билан гаплашдик. Кўпчилик нон кам, сут маҳсулотлари умуман келмайди, деган эътироз билдирди. 8-дўконда эса сотувчи Бекбўлатова харидорга 4 килограмм гўшт сотганда унинг 10 сўм 61 тийин пулини уриб қолган...

Миробод район «Тинчлик» акционерлик жамиятининг 29 та дўкони чекланган маҳсулотлар билан 129422 та оилага хизмат кўрсатар экан. Аммо аниқланишича, бу жамият фондида 837 киши ортиқча экан.

Ўша куни шу районнинг 19-дўконида бўлдик. Харидор Эргаш Азимхўжаев 2—3 ойдан бери пахта ёғи ололмайми, деб нолиди. Чой ҳам йўқ. Дўконда 35 литрли бидонда пахта ёғи беркитиб қўйилибди. 2 бидон сут эса ҳовлида офтобда айниб, кўпириб ётибди. Яккасарой районидаги 8-дўкон текширилганда, торг маълумотига кўра дўконга 3169 киши биркитилганлиги маълум бўлди. Аслида эса бу ердан ортиқча 145 киши чекланган маҳсулот харид қилар экан. Бундан ташқари 27 киши дўкондан қонунсиз равишда товар олиши маълум бўлди. Бу кишиларга карточкалар мавжуд кўрсатмага хилоф равишда тузилган. Бу кишилар ярим йил мобайнида райондан кўчиб кетган кишилар ҳисобига маҳсулот олишган. Бундай ҳолни Мирзо Улуғбек, Бектемир ва Юнусобод районларида ҳам кўриш мумкин. Паспорт бўлимлари, район никоҳи қайд этиш (ЗАГС) идоралари, турар жой ва савдо ташкилотларининг аҳолини аниқ сони тўғрисидаги маълумотлар бермаслиги, уни билмаслиги чекланган товар-маҳсулотлар тақсимотига ана шундай путур етказмоқда. Масалан, биргина Собир Раҳимов районидан 2310 киши кўчиб кетган. Лекин, текширилган 6 та оиладан (32 киши) бирортаси ҳисобдан чиқмаган. Ва бириктирилган дўкондан озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келган. Районда бу йил 794 киши вафот этган. Аммо ЖЭК ва маҳалла қўмиталари бу ҳақда райпишчеторгга ҳеч қандай маълумот бермаган...

Сирғали райони Тошкентнинг чекка районларидан бири. Бу ерда ишлаётган савдо ходимлари тасаввурида «Бизни ҳеч ким текширмайди, текширувчилар келишга эринишади» деган тушунча бор бўлса керак. Масалан, 3-дўконда бўлганимизда шундай тасаввур ҳосил бўлди. Гўштнинг 3-нави сотувга қўйилмаган. Савдода тухум, пахта ёғи, шакар йўқ. Омборхонага эса Италия линиясида тайёрланган 500 килограмм макарон беркитиб қўйилган экан. Бир килограмми 19 сўм, ҳаммаси бўлиб 9.800 сўмлик макарон ўз «харидори»ни кутиб ётибди.

Ҳамза райони озиқ-овқат идорасига қарашли дўконларда ҳам етишмовчиликлар бор. Биз кўрган кўпгина дўконларда, яъни, 5, 28, 34, 50, 56-дўконларда пахта ёғи йўқ эди. «Нега йўқ?» — деб сўрасангиз, «Бугун тугади», «Эртага олиб келамиз» дея турли баҳоналарни рўкач қилишади. Аксарият дўконларда эса нон (буханка) етишмайди. 28-дўконда навбатда турувчилар «поезд» бўлиб кетишган. Дўкон бир кунда 1-нон заводидан 1 тонна нон олар экан. Лекин буханка нонни вақтида олиб келишмас экан. Оби нон бор. Буханка нондан 1 сўм қиммат. Сифати ҳам паст. Шунинг учун бўлса керак унга унча эҳтиёж йўқ. Ўша куни бу дўконга нонни соат 8.00 ўрнига 10.00 да олиб келишди.

Бошқа дўконларда ҳам шундай ҳоллар учрайди. Жумладан, 34-дўконда гарчи пештахтага банка шишага ёғ солиб, хўжакўрсинга «бор» дегандек қўйилган. Ичкарида эса пахта ёғи мутлақо йўқ. Ёғ сўраб келганлар қуруқ қайтиб кетишяпти. Бу ерда 1 ойда 1 тонна 250 килограмм ёғ олинади. Лекин июль ойи фондидан 500 килограмм ёғ ҳали ҳам олинмаган. Кўпгина дўконларда карточкаларни текшириб кўрганимизда 70 — 80 фоиз аҳоли июнь-июль ойлари учун пахта ёғи ололмагани маълум бўлди.

Бу ҳар йилги муаммо. Ёз пайтида пахта ёғи тортилиб қолади. Чунки, ёзда республикада пахта ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналар бирваракай ремонтга, таъмирлаш учун тўхтатилади. Ҳар йили такрорланади бу аҳвол. Наҳотки, уларни таъмирлашни расамади билан амалга ошириб бўлмаса? Бу ҳақда «Узпишчепром»даги раҳбарлар бош қотириб қўйишса ёмон бўлмасди. Аҳолини узлуксиз пахта ёғи билан таъминлаш йўлини ҳам бир ўйлаб кўриш керак-да! Жуда бўлмаса ёз ойларига запас (заҳира) қилиб қўйиш мумкин-ку!..

Бозор муносабатларига ўтиш узоқ ва мураккаб жараён. Бас, шундай экан, жойлардаги ишларни оқилона ташкил этиш, харидорлар талаб ва эҳтиёжларини тўла ўрганиш жуда муҳимдир. Ана шундагина савдо фақат ғавғо уяси бўлмайди. Аксинча, халқ талабларини қондирувчи чинакам ҳожатбарор маконга айланади.

Бизда «Балиқ бошидан чирийди» деган гап бор. Кейинги учтўрт йил ичида республика савдо ташкилотлари собиқ Савдо вазирлиги, ҳозирда эса «Ўзбексавдо» уюшмаси номига кескин ва аччиқ ҳақли эътирозлар бўлди, матбуотда танқидий мақолалар чоп этилди. Редакцияларга жойлардан ҳамон шикоятлар оқиб келмоқда. Биз юқорида пойтахтдаги аҳволни қисмангина ёритдик, холос. Бошқа шаҳар, вилоятлардаги аҳволчи? Лекин бу соҳада, айниқса ҳозирги шароитда бирор бир ижобий ўзгаришлар рўй бермаяпти. «Ўзбексавдо» уюшмаси фақат ўз ташкилотлари номини ўзгартиравермай, ишини ҳам қойиллатиб қўядиган пайт аллақачон етган. Илгари биз совет савдо қоидасини бузгани учун айбдорни жазолар эдик. Ҳозирчи, мустақил Ўзбекистоннинг савдо қоидаси борми? Савдодаги ноинсофликлар, харидорларга нисбатан қўполликлар, ҳақига ҳиёнат қилишлар, ўғирликлар, муттаҳамликлар учун ким жавоб беради?

Алишер МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорат қўмитасининг ахборот ва ошкоралик масалалари бўйича бош инспектори.

Олим СОДИҚХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар бўйича давлат назорати бошқармаси ходими.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири, ижтимоий адолат бўлими мудири.



Тоғ бағридан ўйнаб келар оппоқ сув.
Н. РАҲМОНОВ олган сурат-лавҳа.

МУСТАҚИЛЛИК КИНОСОЛНОМАСИ

Ҳужжатли кино режиссёри Даврон Салимовнинг «Ўзкинохроника» студиясида суратга олган янги фильми «Истиқлол» деб аталади. Бу фильм республикамиз мустақил деб эълон қилинганидан кейинги бир йил ичида бўлиб ўтган воқеаларнинг солномасидир. Унда Ўзбекистон раҳбарияти республика биринчи Президентининг фармонларини бажара бориб, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида амалга оширган чора-тадбирлар ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Янги фильм биринчи бор 31 август куни Тошкентнинг Мустақиллик майдони ёнида жойлашган «Нодирабегим» марказий кинотеатрида кўрсатилади. Шу тариқа республика шаҳар ва қишлоқларининг кинотеатрларида Ўзбекистоннинг ўтмишига ва ҳозирги кунига бағишлаб кинематографчилар яратган асарларни намойиш қилиш бошланади. Бу асарларда ўрта асрлардаёқ Ватан мустақиллиги ва равнақини орзу қилган аллома мутафаккирлар, шоир ва файласуфларнинг турмуши тасвирланган. Ўзига хос кинофестивал дастурига «Абу Али ибн Сино», «Абу Райҳон Беруний», «Даҳонинг ёшлиги», «Алишер Навоий» ва бошқа машҳур фильмлар киритилган.

Давлат кинокомпанияси республика пойтахти аҳолиси ва меҳмонларини байрамона сийлашга қарор қилди. 31 август ва 1 сентябрь кунлари Тошкентдаги барча 27 та кинотеатрда кечқурун бепул кино қўйиб берилади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

СПОРТ

ПЕШҚАДАМЛАР МАЙДОНГА ТУШАДИ

● ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоаларининг Ўзбекистон миллий чемпионатида ҳал қилувчи дамлар бошланмоқда.

Футбол жамоалари мавқеларини мустаҳкамлашга, биринчи марта ўтказилаётган мустақил республика миллий чемпионатида совринли ўринларни эгаллашга ҳаракат қилишмоқда. Ҳозирча «Пахтакор», «Нефтчи», «Сўғдиёна» ва «Нурафшон» жамоалари фахрли ўринларни эгаллашга даъвогар бўлиб туришибди. Ана шу жамоаларнинг футболчилари сусткашликка йўл қўймай, барқарор ўйинлар кўрсатишса мақсадларига эришишлари мумкин. Зеро, кутилмаган хатолик жамоалар ўрнини ўзгартириб юбориши ҳеч гапмас. Эртага футболчилар чемпионатининг 23-тур ўйинларини ўтказишади. Мухлислар юқори ўринларни эгаллаб турган «Нурафшон» ҳамда «Пахтакор» жамоаларининг учрашувига қизиқиш билан қарашмоқда. «Нефтчи» эса пахтакорчилар каби учрашувни сафарда ўтказади. Улар «Янгиер» майдонида тўп сурадилар. «Сўғдиёна» эса темирйўлчиларни қабул қилади. Биринчи лига футбол жамоалари ўртасида бугун навбатдаги тур ўйинлари бўлади.

МИЛЛИЙ ЖАМОАНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

● ҚОЗОҒИСТОН ва Ўрта Осиё республикалари миллий терма жамоалари ўртасида «Осиё соврини» учун навбатдаги учрашув ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси миллий терма жамоаси Қирғизистон футболчиларини қабул қилди. «Пахтакор» стадионида ўтказилган бу учрашув ишқибозларда яхши таассурот қолдирди. Майдон эгалари дарбозага учта тўп киритиб, жами бешта очко билан мавқеларини яхшилаб олишди. Қозоғистон футболчилари ҳисобида тўртта очко бор. Энди футболчиларимиз 3 октябрь куни Қирғизистон миллий терма жамоасининг меҳмони бўлишади.

ИККИ БОСҚИЧЛИ УЧРАШУВ

● ТАНИҚЛИ шахматчилар — Роберт Фишер билан Борис Спасский ўртасидаги баҳс Югославияда ўтказиладиган бўлди.

Мазкур учрашувнинг ташкилотчиси, «Югоскандик» банкининг раҳнамоси Ездимир Васильевич мамлакатда юзага келган ноқулай вазият туфайли учрашувни ўтказишга рухсат бўлмай тургани ва уни Будапештда ташкил этишга қарор қилингани каби ўзига хос муаммоларни ишбилармонлик билан ҳал қилди. Шундай қилиб учрашувнинг биринчи босқичи «Авлиё Стефан» оролида, давоми эса Белград шаҳрида ўтказиладиган бўлди.

Луқма

«Қўрққан олдин мушт кўтарар»ми?

Қаҳрамонимиз хусусида хулоса қилиш осон эмас: бир қарасангиз аллақачон «йиқилган» одамга ўхшайди. Дафъатан «йиқилганни тепиб ўтгувчи бўлма» деган ўгит хаёлга урилади. Шу бир доно сўзнинг ўзи ҳар қандай бешафқат инсонни хушёр тортишига етиб ортади. Собиқ ҳукмдор «йиқилган» экан, қўлтиғидан олиб, турғазиб қўйиш қўлимиздан келмасада, келинг безовта қилмайлик, яхши сўзимизни аямайлик, ҳа деган туяга мададку деб фикр юритсангиз адашасиз. Ажабо, ҳаётда не-не ўхшашликлар бор. Касилган думи алоҳида, қолган жисми алоҳида ўйнайдиган жониворлар бор. Табиат учун одам ҳам жониворнинг бир тури-да. Табиатан кимни қайси тусда яратиш Аллоҳи каримнинг ўзига бериб қўйилган. Шу сабаб кимнингдир думи, кимнингдир қўли ўйнаб туради. Бундай одамлар баъзан тавбасига таянган каби қўл қовуштириб туришади. Лекин сиз уларнинг қудратини унинг қўлига тушганда биласиз. Шунда улар ўз манфаатлари учун керак бўлса сизнинг ғиннинчи бобонгиз ёки еттинчи момонгиз табаррук бир ишга киришмоқдан олдин қўлини ювган ёки ювмаганини «аниқлаб» юзингизга солади. Афсуски, ўша пайтда унинг ўзи ҳозиргина пашша ўлдирган қошиғи билан овқат ошаб турган бўлади. Ҳаккалаб турган нафс унинг бафуржа фикрлашига йўл қўймайдида. Кейин қоларса, бировнинг хатосини топиш осон. Биров-биров-да.

Бу одамнинг асл қиёфасини, афсуски, кўплар билмайди. Мен кўрган қиёфада кўпчилик кўрган бўлмаса керак. Шу сабабли ҳам мен у йиқилганда ҳам жўн йиқилмаслигини биламан. Йиқилиб ётиб ҳам у кимнидир чалиб йиқитишга доимо қодир бўлади. «ГКЧП»дан чиққан қаҳрамон» (1992 йил 8 апрель, «Ўзбекистон овози») мақоласидан сўнг у қўл кўтариб мен энди таслим бўлдим, энди буёғига хашагимни очманглар деб ёлворганда кимдир ишонса ҳам мен ишонмагандим. Айтганим бўлди. Кейин бу оиланинг қинғир-қийшиқ ишлари ҳақидаги «Сирли калит» фельетони дунёга келди. Бу фельетонда мамлакатнинг собиқ бош вазири ва унинг оиласининг ҳаккалаб кетган нафси ҳақида сўз боради. Келинг, биз кечаги гапларни шарҳлаб ўтирмайлик. Булар газетхон учун янгилик эмас. Ҳар ҳолда бу мақолалардан кейин газетхон собиқ бош вазир ва кейинчалик собиқ вице-президентнинг тавбаномасини кутишга ҳақли эди. Лекин сукунат энг қулай ва арзон жавоб бўлди.

Мана шундай бир пайтда қаҳрамонимиз Ўзбекистон Халқ депутати қилиб сайланган 301-Қорадарё сайлов округининг сайловчилари жим туришга олмади. Шу сайлов округидаги «Мойбулоқ» давлат хўжалиги, «Ленин йўли» ва Х. Комилов номли колхозлар ҳамда 180-механизациялашган кўчма колонна меҳнат коллективлари Ўзбекистон Республикаси Олий Совети олдига бундай ўтмиши нопок «халқ депутатидан» уларни халос қилиш масаласини кўндаланг қўйдилар. Бу ҳақли талаб эди, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон Республикасида халқ депутатини чақириб олиш тартиблари ҳақида»ги Қонунга биноан Ш. Р. Мирсаидовни Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигидан чақириб олиш тўғрисидаги таклифни у депутат қилиб сайланган Самарқанд вилояти Каттақўрғон районидаги 301-Қорадарё сайлов округи территориясидаги сайловчиларнинг яшаб турган жойларида муҳокама қилишга қарор қилди.

Ана шундан кейин нима бўлди деб ўйларсиз? Шундан кейин ушбу расмий хужжат қабул қилинди:

301-Қорадарё сайлов округи сайловчиларининг, меҳнат жамоаларининг йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Ш. Мирсаидовни депутатликдан чақириб олиш округ комиссиясини тузиш Самарқанд вилоятининг ҳокими П. Абдураҳмоновга топширилсин, шундан кейин амалга оширилиладиган Қонунда кўзда тутилган барча тадбирлар округ комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси томонидан бажарилишини эътиборда тутсин.

Имзо:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 6 август,
№ 682-XII

Хўш, шундан кейин бизнинг қаҳрамон қандай йўл тутди деб ўйлаяпсиз? У депутатлик ҳуқуқини ҳимоя қилдими?

Сайловчилар ундан юз ўгириш сари қатъий бораётганини сезган ва «тақдири азал» муқаррарлигига кўзи етган бизнинг қаҳрамон «ётиб қолгунча отиб қол» қабилида: «Мен қўғирчоқ парламентда қолишни истамайман» деб жар солишга ўтди. Ўнлаб меҳнат коллективлари ва минглаб сайловчилар ундан юз ўгириб турганда бундай «ногора» чалишни қандай тушунса бўлади? «Қўрққан олдин мушт кўтарар», деганлари шу эмасмикан? Шундай экан, биз ҳам «ойни этак билан ёпиб бўлмайди ҳурматли Шукрулло Раҳматович!» деб қўшиб қўйишни лозим деб биламиз.

Туркон ШАРИФ.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00.
№ 167. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.